



**“Жиноятдан сақланинг” рукнида**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ**

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ**

**ГУЛЧЕҲРА МАТКАРИМОВА**

**АКМАЛ АЛИМОВ**

**ОДАМ САВДОСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Ушбу китобга бўлган барча ҳуқуқлар қонун йўли билан ҳимояланган.  
Китобни Республика Маънавият тарғибот маркази рухсатисиз ўзга усулда  
чоп этиш ва кўпайтириш таъқиқланади.**

**УДК:**

**КБК:**

тузувчи-муаллифлар:

**Гулчеҳра Маткаримова**, юридик фанлари доктори, профессор  
**Акмал Алимов**, илмий изланувчи

**УДК:**

**КБК:**

**Масъул муҳаррир:**

**Тўлаганова Гулчеҳра Захитовна**, ю.ф.д., проф.

**Тақризчилар:**

**Ф.А.Мухитдинова**, Тошкент давлат юридик университети доценти, ю.ф.д.

**Н.З.Сайдалиева**, Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти, ф.ф.н.

Ушбу китоб ҳуқуқшунослик йўналиши, маънавий-маърифий, ижтимоий ва ёшлар масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар, катта илмий ходим-изланувчилар, бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда мазкур масалалар билан шуғулланувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури”нинг 101-банди ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази, Ички ишлар вазирлиги, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида 2017 йил 10 мартда тузилган ҚҚ-11-сонли кўшма қарор ижроси юзасидан Марказ Илмий-услубий кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ июндаги асосида нашрга тавсия этилган.

## Сўз боши

“Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас”.

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-модда

XXI асрда яшаётганимизга қарамай, аёлларга ва қизларга нисбатан ҳурматсизлик, турлича ёввойи қарашлар ва жиноятлар афсуски тугатилгани йўқ. Дунёни аёлга нисбатан экстремизм исканжасига олаётгандай гўё...

Аёлларни қурол қилиб, турли экстремистик-террористик ташкилотлар мақсад сари қадам ташламоқда, “ИШИД”, “Боко Харам” каби ташкилотлар аёлларга нисбатан аёвсиз уруш очганлар, уларни хўрлаш, ўлдириш, зўрлаш ва кул қилиш ҳар кунги ишларига айланиб қолган.

Дунё бўйлаб зўравонлик, бешафқатлик ва экстремизм шарпаси юрганга ўхшайди. Бу ҳолатни жаҳондаги ОАВлар ҳам бири олиб, бири қўйиб, ваҳималар ёзгани боис ушбу хабарлар янаям ваҳимали ва ташвишли ахборотларга тўла.

Глобализация даврида ахборотларни тўсиб қўйиш имкони йўқ, албатта. Уюшган жиноий гуруҳлар бугун нафақат кичик ҳудудларда, балки катта ҳудудлар, ҳатто халқаро майдонларни эгаллаб олишга ва назоратини ушлаб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг жиноий фаолият доираси ошиб бориб, қурол-яроғ, гиёҳванд моддаларни сотиш билан бир қаторда одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси билан шуғулланиш орқали жуда катта даромад олмақдалар. Жиноятларнинг тури ва уни амалга ошириш воситаси, усуллари ошиб кетишига фан ва технологиялар ривожини ҳам ўз ҳиссасини кўшмоқда. Зеро фан ва технологиянинг ривожланиши нафақат ижобий ва эзгу мақсадларда балки энг қабиҳ ниятларда ҳам фойланилиши мумкин. Бу жуда аянчли ҳол, албатта. Инсоният кулликка қарши кўп юз йиллар курашиб, кулликни бекор қилиш имконига етган эди. Афсуски, кулликнинг замонавий кўринишлари пайдо бўлиб қолди.

Одам савдоси – айнан кулликнинг замонавий кўринишидир. Афсуски, бу иллатнинг қурбони асосан аёллар ва болалар бўлмоқда.

Жиноятчи гуруҳлар аёл ва боладан энг жирканч мақсадларда фойдаланишни одат қилдилар. XXI асрда ҳам 5-12 ёшдаги болалар жангари гуруҳларнинг ҳарбий ўйинларида қўғирчоқ сифатида қўлланилмоқдалар. Нопок инсонлар, инсофсиз жарроҳлар қўлида эса тайёр, текин трансплантант материал сифатида фойдаланилмоқда. Бу ҳолатларни эътироф этиш қанчалик оғир бўлмасин, реал воқелик эканлигини тан олмай иложимиз йўқ.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, иш билан таъминлаши, ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш, инсонлар савдоси ҳодисасини олдини олувчи энг асосий омилдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Энг асосий вазифа – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили “Давлат дастурини амалга ошириш, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдан иборат”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган, ҳуқуқий – демократик давлатлари сафида ўрин олишига интиларкан, ривожланишнинг ўзбек моделига асос солиш билан бир қаторда дунёдаги ривожланган мамлакатлар дуч келаётган айрим муаммоларга ҳам учрамоқда. Айниқса, XX асрнинг охирига келиб кучайиб кетган аёл ҳуқуқларини бузилиши, аёллар ва болалар савдоси, фоҳишабозлик муаммолари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Инсон савдоси муаммоси сўнгги йилларга келиб авж олиб кетмоқда. Инсонларни қул сифатида сотиш ва улардан мўмайгина даромад олиш каби ҳолатларни ҳар куни турмуш шароитимизда қулоққа чалиниб турибди. Агарда инсонлар савдосига қарши ўз вақтида ва самарали кураш олиб борилмас экан, ҳавф яна қанчадан-қанча инсонларни бахтсиз этиши, уларни қора қисматга дучор этиши аниқ.

Мазкур муаммони кўпгина хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар ўрганиб келмоқдалар. Г.Маткаримова, М.Ражабова, Ҳ.Бобоев, М.Ҳ.Рустамбоев, Г.Тансиқбоева, О.Муҳаммаджонов, Ш.Ҳамраеваларнинг ўз изланишларида бу масала юзасидан бир қанча ишлар қилинганлигини кузатишимиз мумкин<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 7.

<sup>2</sup> Саидов А.Х, Жузжоний А шарқ ва инсон ҳуқуқлари: тарихий ҳуқуқий лавҳалар Т.:Ижтимоий фикр.1998 Маткаримова Г. Кто ты женщина. Т.:-Ёзувчи. 1999.-с 54: Тансиқбаева Г.М. Женщина: её права и свободы, проблемы, пути решения // Женщина. Право, Общество. Т.:Изд-й. дом Эльднур. 1998.-с.17.

# Одам савдосига қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари

## 1. Одам савдоси тушунчаси ва шакллари

Инсоният тараққиёти янги босқичларга кўтарилаётган бир шароитда, афсуски, айрим янги ижтимоий муаммоларга ҳам дуч келмоқдамиз. Жаҳон халқлари, давлатларнинг ички муаммо ва масалаларини ҳисобга олмаганда, глобал барқарорлик ва хавфсизликка бугунги кунда бир қатор омиллар, хусусан экологик хавф-хатарлар, демографик мураккаблик, турли касалликлар, эпидемиялар ҳамда халқаро жиноятчилик ва терроризм каби иллатлар таҳдид солиб турибди.

Улардан бири ҳисобланган халқаро жиноятчилик инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида турли хил янгидан-янги шакллارга кириб, янада хавfli тус олиб бормоқда. 1990 йилдаёқ Кубада бўлиб ўтган халқаро жиноятчилик муаммоларига бағишланган VIII Конгрессда уюшган жиноятчилик ўзининг хавfliлиги жиҳатидан экология муаммоларидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидланган эди.<sup>3</sup> Халқаро жиний уюшма (ХЖУ)лар турли хил йўллар билан хуфёна иқтисодиёт асосларини барпо этмоқдалар.



Маълумки, хуфёна иқтисодиёт халқаро жиноятчиликнинг туб ўзаги бўлиб, замонавий криминал тузилмаларнинг шаклланишига моддий асос бўлади. Хуфёна иқтисодиётнинг умумжаҳон миқёсидаги улуши ялпи ички маҳсулотнинг 5-10 фоизи миқдориди. Африка ва баъзи Жанубий Америка мамлакатларида эса бу кўрсаткич 30 фоизгача ҳам етган. Экспертларнинг

<sup>3</sup> Криминология. М., 1988, С.363.

бахосига кўра, Россияда хуфёна иқтисодиётнинг улуши 40-50 фоизни ташкил қилади<sup>4</sup>.

Хуфёна иқтисодиёт турли хил манбалар орқали янада кенгайишга, тармоқланишга ҳаракат қилмоқда. Халқаро миқёсдаги наркобизнес, қурол-яроғларнинг ғайриқонуний савдоси ва **инсонлар савдоси (траффики)** хуфёна иқтисодиётнинг энг асосий манбалари ҳисобланади. Ушбу манбалардан даромад олиш фақатгина ташкилий жиҳатдан юқори даражада уюшган трансмиллий жиноий тузилмаларнинг имконияти доирасидадир.

Уюшган жиноятчилик, хусусан халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ғайриқонуний сотиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятлар қаторида инсон савдоси (*траффик*)нинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу муаммо умумжаҳон миқёсда эътироф этилиб, кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилаётганлигига қарамасдан, бу борада ҳозирга қадар етарлича умумлашган маълумотлар тақдим этилмаган.

“Траффик” атамасининг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, шунини айтиш керакки, ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқда инсон савдоси “траффик” атамаси билан ифода этилмоқда. Ушбу ибора луғавий жиҳатдан ғализрок бўлиб, бу сўзнинг ўзбек тилидаги асл маъносини тўлиқ англатмайди. Чунки, “траффик” лотин тилидаги “traffico” сўзидан олинган бўлиб, уни италияликлар муомалага киритган. “Траффико”, италянча “тижорат”, “савдо” маъносида ифода этилган.

Бу сўз дастлаб уларда “табак траффик” шаклида қўлланилган бўлиб, ўзбекча маъноси тамаки савдоси, тамаки билан тижорат қилиш демакдир. Кейинчалик италияликлар уни қисқача “траффик” деб аташга одатланганлар. Шу тарзда “трафф” сўз ўзаги асосида янги сўз траффикант, яъни савдо қиладиган дўкон эгаси, дўкондор сўзи келиб чиққан. Олимлар ўртасида ушбу атаманинг ингиз тилидаги “traffic”- ҳаракат, йўл ҳаракати маъноларида келишини асословчи фикрлар ҳам мавжуд. АҚШ ёки инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда ушбу жиноий ҳодисани “trafficking” номи билан атайдилар.

Аслида “траффик” сўзи “ҳаракат” маъносини англатиб, олимлар томонидан маълум ашёларни ёки одамларни ғайриқонуний равишда, ғараз мақсадларни кўзлаб, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтказиш маъносида ишлатилади. Наркотраффик, қурол-яроқлар, инсонлар траффиги тобора хатарли тус олиб, умумбашарий вабога айланган. Шунда наркотраффик ва қурол-

---

<sup>4</sup> Ортиқов А., Исоходжаев А., Шестаков А., Хуфёна иқтисодиёт: ўқув қўлланмаси/ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002 й, 25-б.

яроқлар траффиги инсон ҳуқуқлари бузилиши учун замин яратса, инсонлар траффиги инсон ҳуқуқларининг тўғридан-тўғри бузилиши ҳисобланади ва бу эса ушбу жиноятнинг алоҳида ижтимоий хавфлилигини белгилайди.<sup>5</sup>

Лекин, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, англо-саксон ҳуқуқий тизимиغا хос бўлган мамлакатларнинг илмий-ҳуқуқий муомаласи ўзининг эркинлиги билан ажралиб туради. Уларда турли ҳуқуқий ҳодисалар баъзи бир бошқача иборалар билан эркин ҳолда номланаверади.

2000 йил 15 ноябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясига инсон савдоси ва айниқса, аёлларда ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қўшимча Баённома”да **“одамлар савдоси”** тушунчаси ўзининг расмий изоҳига эга бўлди.

Баённомага биноан, **“одамлар савдоси”** эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ёки бошқача мажбурлаш чораларини қўллаб ёхуд ўғирлаб ёки фирибгарлик йўли билан ёхуд алдаш, шунингдек, давлат ваколатларини, тутган мавқеини суистеъмол қилган ҳолда ёки бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни **ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш ёки уларни олиш** ҳисобланди.

**Эксплуатация** шахсни фоҳишабозлик ёки бошқача шаклдаги жинсий мақсадларда фойдаланиш, мажбурий меҳнат, қулликка ёки қуллик билан боғлиқ бошқа одатларга маҳкум этиш, уни ихтиёрига қарши сақлаш ёхуд унинг органларини ажратиб олиш билан боғлиқ ҳаракатлардир.



<sup>5</sup> “Инсонлар траффигига қарши халқаро-ҳуқуқий кураш жиҳатлари” мавзуидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Т.2006 й. 3-б.

Ушбу баённомада яна 18 ёшга тўлмаган шахслар “болалар” деб номланган ва улар ҳам инсонлар траффигининг жабрланувчиси бўлиши мумкинлиги таъкидланади.



Инсон савдосига нисбатан “**траффик**” атамасини қўллаш тобора кенгрок муомалага киритилмоқда. Латвиялик олим Андреас Вилкснинг фикрига кўра эса инглиз тилидаги бу сўз “ҳаракат”, “транзит” деган маъноларни англатади. Инсон савдоси нафақат “маҳсулот” жиҳатидан, балки ҳаракат, транспорт, у жойдан бу жойга кўчириш усуллари жиҳатидан ҳам ўз хусусиятига эга<sup>6</sup>.

Инсон савдоси деганда нимани тушунамиз, унинг моҳият ва мазмуни қандай? Буларни англагандан сўнггина муаммо моҳиятини очиш мумкин. Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 2000 йил 19 майда қабул қилинган кўрсатмасига биноан: “Жинсий фойдаланиш мақсадида амалга оширилган инсон савдоси – бу бир ёки бир неча шахс, юридик шахс, ташкилотларнинг одамларни ташиш, ҳатто шу одамларнинг ўзи жинсий алоқа мақсадида фойдаланилишга рози бўлган ҳолларда ҳам, уларни қонуний ёки ғайриқонуний тарзда чет давлатга чиқаришни англатади. Бошқа ҳолларда, яъни ўзи рози бўлмаганда эса мажбурлаш, кўрқитиш ёки зўравонлик билан зарар етказиш, унинг ожизлигидан ёки раҳбарлик вақолатидан фойдаланиб ёки товламачилик билан уни шундай фаолият билан шуғулланишга мажбур қилинади.

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчилик учун жуда тез ўсиб бораётган ва ниҳоятда сердаромад фаолият тури бўлиб қолмоқда. Агар рақамларга кўз югуртирадиган бўлсак, классик қулдорлик ҳукм сурган тўрт аср давомида унинг савдо айланмасида 12 миллионга яқин одам бўлган бўлса, сўнгги 30 йил ичида биргина Осиёда жинсий қулликка маҳкум этилган аёллар ва болалар сони 30 миллиондан ортиқни ташкил этди. Уларнинг жуда катта қисми эса жинсий ташкилотларнинг тазйиқи остида қулга айланттирилган.

<sup>6</sup> А.Вилкс. Траффик людей: правовые и социальное аспекты. Рига.2005. с. 42.



Айнан шу масалага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликка қарши курашишга бағишланган 2000 йилдаги X Конгрессида ҳам катта эътибор қаратилди. БМТ экспертларининг фикрига кўра, жиноий ташкилотларнинг ҳар йили одам савдосидан олаётган даромадлари 5-7 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Расмий маълумотларга қараганди, одам савдосидан жабрланганлар юз минглаб ва ҳатто миллионлаб (*айрим маълумотларга кўра 2,7 млн.*) нафар бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Норасмий маълумотларга қараганда, дунёда 4 млн. нафарга яқин одамлар ҳар йили мажбурий меҳнатдан фойдаланиш учун давлатлар чегараси орқали ўтказиладилар.

Руминиянинг Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган ноқонуний миграция ва инсон савдоси муаммолари бўйича конференцияда АҚШ Марказий разведка бошқармаси (*МРБ*) директори Луис Фрининг таъкидлашича, муҳокама этилаётган ғайриқонуний бизнес тури уюшган жиноятчилик фаолиятида қонунга хилоф равишда наркотик моддалари ва қурол-яроғ савдосидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Бир йилда миллионга яқин аёллар ва болалар криминал савдонинг “тирик товар”ига айланадилар.<sup>7</sup>

Немис олими Лео Кейдель эса инсон савдоси муаммосини чуқур ўрганган ҳолда, у уюшган жиноятчиликнинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланиб, криминал фаолият иерархиясида бешинчи ўринни эгаллайди<sup>8</sup>, деган фикрни билдириб ўтган.

**Одам савдоси<sup>9</sup>** - бу бир шахс томонидан иккинчи шахсни унинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини инкор қилган ҳолда меҳнат қилишга ёки бошқа бир хатти-харакатларга мажбурлашдир. Ўзгача қилиб айтганда, одам савдоси бу - кулликнинг замонавий кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган одам савдоси жинояти инсонларнинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 135-моддасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жазоланиш кўзда тутилган қилмишлар таркиби кенгайтирилди. Жумладан, одамни эксплуатация қилиш мақсадида уни ёллаш, ташиш, бошқага бериш, яшириш ёки олиш олди-сотдиси учун уч йилдан беш йилгача, икки ва ундан кўпроқ одамни ўғирлаш, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш таҳдиди ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этилган одам савдоси учун беш йилдан саккиз йилгача, жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир

<sup>7</sup> “Труд” газетаси 2001й. 24-май сони.

<sup>8</sup> Leo Keidel/ Menschenhandel als Phänomen Organisierter Kriminalität/ Kriminalistik. No.5, p.325.

<sup>9</sup> “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

оқибатларга олиб келган ҳудди шундай қилмишларни 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этиш саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

**БМТ Баённомаси бўйича ифодаланиши да «Одам савдоси» куйидагиларни англатади:**

- ҳаракатлар: одамларни ёллаш, олиб ўтиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш;

- воситалар: бошқа шахсни назорат қилаётган шахснинг розилигини олиш учун куч ишлатиб таҳдид солиш ёки ундан фойдаланиш ёхуд зўрлик қилиш, ўғирлаш, фирибгарлик қилиш, алдаш, ўз мансабини ёки ҳолатнинг заифлигини суиистеъмол қилиш, ёки тўловлар ва манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш.

- мақсад: бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш, эксплуатация ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шакллари, меҳнат ёки хизмат кўрсатишга мажбурлаш, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эркисизлик ҳолати ёки одам аъзоларини ажратиб олиш.

**Одам савдоси,**<sup>10</sup> яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш – ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари кўллаш орқали бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиш, яшириш ёхуд йўқ қилиб юбориш, киши аъзоларини кесиб олиш, бошқа кишига кўчириш (*трансплантация*) каби ҳаракатларни қамраб олувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Олди-сотди шаклидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, моддий қимматликлар (*мулк*), мулкый характердаги хизматлар, мулкый ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к. сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутаяди. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадда сотиб олинганлиги (*сотилганлиги*) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 54-моддасида “Жабрланувчи” деб жиноят, шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб

<sup>10</sup> “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

эътироф этилган. Шунингдек, 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида: “Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунигача қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак”, деб эътироф этилган<sup>11</sup>.

Транзит мамлакатлардан жабрланувчиларнинг ғарбий ярим шарнинг бой мамлакатларига сотилиши илк қадам эди.

Этник келиб чиқиш жиноятнинг ушбу тури демографиясида катта роль ўйнамоқда, чунки мижозлар ўзлари учун турли этник гуруҳларга мансуб аёлларни талаб қилишмоқда.

Масалан, Жануби-шарқий Европа жабрланувчилари Жануби-шарқий Осиёда, Африка жабрланувчилари Европада, Шарқий европалик жабрланувчилар Марказий Америка жинсий саноатида ишлаётганликларини кўриш мумкин. Бундай ҳолат натижасида вужудга келган жинсий эксплуатация мақсадидаги одам савдосини жинсий эксплуатация соҳасидаги иқтисодий глобализациянинг мисоли сифатида таърифлаш мумкин.

Ҳозирда мамлакатлардаги одам савдоси жабрланувчиларининг ўртача ёши хавотирга солмоқда. Бу ҳолат мижозларнинг идроки ва талабларида ўз аксини топади. Масалан, сотилган болалар кўпроқ фоҳишалikka жалб қилинади, чунки тегилмаган болалар билан жинсий алоқа ОИТС (ВИЧ) инфекциясининг тузалиш манбаидир, деган хом хаёл мавжуд. Мижозлар болалар билан алоқа жинсий йўл билан юқувчи касалликлар хавфини камайтиради, деган фикрга асосланишади.

АҚШ Давлат департаментининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар йили 4 миллионга яқин инсон сотилади ва сотиб олинади<sup>12</sup>.

Бошқа бир мутахассисларнинг аниқлашларича, ушбу “бозор”нинг умумий айланма даромади 19 миллиард долларни ташкил этади ва Россия

<sup>11</sup> “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 12-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>12</sup> Бабаян Н. В России торгует людьми // Известия. 2002. 7 июнь.

Федерацияси БМТнинг маълумотларига кўра “таъминловчи – давлатлар” рўйхатида биринчи ўринда туради<sup>13</sup>.

Бошқа бир маълумотларга кўра эса, Польша Европа давлатлари ичида бундай рўйхатда биринчи ўринни (Россиядан кейин) эгаллаган<sup>12</sup>.

Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш қийин, айниқса жинсий алоқага мажбурлаш ҳолларида ҳам ушбу қилмиш тўғрисидаги маълумотларни олиш мушкул. Бу масалага доир турли халқаро ҳужжатлар ва миллий-ҳуқуқий нормаларда ушбу савдо шаклининг кенг маънодаги таърифлари мавжуд бўлса ҳам, миллий ҳуқуқий тизимларда мазкур жинсий қилмиш билан боғлиқ нормалар бир-биридан анчагина фарқ қилади.

Жинсий алоқага мажбурлаш мақсадида амалга оширилган инсон савдоси муайян шаклга эга бўлмаган, кўп қиррали ҳодисадир. Унинг турли вариантлари: жалб этилган одамлар, сотувчилар сони, “қурбонлар” ва “мижозлар”, “истеъмолчилар” типи, шунингдек, ташкилот даражаси ва ҳаракат доираси (миллий чегара ҳудудида ёки бир неча давлат, ҳатто бир неча қитъа доирасида) бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрича, **одам савдоси (траффик) (human trafficking)**нинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. Жабрланувчи ўз давлати чегарасидан қонуний ёки ғайриқонуний йўл билан четга чиқарилади. Фақат айрим ҳоллардагина инсон савдоси бир давлат ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

2. Инсон савдоси бошқа жиноятлар - ўғирлик, зўрлаш, ОИТС ёки бошқа таносил касалликларни қасдан юктириш, наркотик моддалар қабул қилишга мажбурлаш ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлади.

3. Жабрланувчилар иккала жинс вакили бўлиши мумкин, аммо кўпинча бу аёллар ва болалар ҳисобланади.

Бугунги кунда одам савдоси - инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда, бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

**Биринчидан**, ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, ушбу қоида 1948 йилда қабул қилинган БМТнинг

<sup>13</sup> Ягодкин А. Пятнадцать лет за бизнес // Россия (Москва) 2003. 21 ноябрь С.2.

<sup>12</sup> Sally W. Stoeker. The Rise in Human Trafficking and the Role of Organized Crime//Demokratizatsiya. Vol.8, No 1. Winter 2000.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган. Одам савдоси эса инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдоси деб аталмиш ушбу жиноий фаолият ортида мажбурий меҳнат, куллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих қилмишлар мужассамдир.

**Иккинчидан**, одам савдоси жиноятчилар учун сердаромад манба бўлиб қолмоқда. Афсус билан таъкидлаш керакки, дунёда “одам савдоси” бозори ва унга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис жиноий тузилмалар ушбу ноқонуний фаолият билан шуғулланишнинг турли йўллари кидириш, мақсадини амалга оширишни енгиллаштириш учун халқаро жиноий уюшмалар ташкил этиш, давлат хизматчиларини ўзларига оғдириш пайида бўладилар. Бу эса, трансмиллий уюшган жиноятчилик, коррупция каби хавфли иллатларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлади.

**Учинчидан**, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ўз “кирдикорлар”ини яшириш мақсадида бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар одамлар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбакилаштиришга уринадилар. Бу ҳолат эса ноқонуний миграция салмоғининг ортишига, муайян давлат ҳудудига ноқонуний кириб келганлар сонининг ортиб, иқтисодий, демографик ва криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатишига, шунингдек, хорижга чиқиш ва муайян давлат ҳудудида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келади.

**Тўртинчидан**, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратида ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларни (*паспорт, миграция карточкаси ва ҳ.к*) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналарига мурожаат этишига тўсқинлик қиладилар. Оқибатда бундай шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

**Бешинчидан**, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. Чунки, одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар.

Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади. Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, бу тадбирга давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда. Дунёда одам савдоси билан боғлиқ вазият таҳлили бу борадаги аҳволнинг ҳамон жиддийлигича қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар, мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалик билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Тайланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса – Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда.<sup>14</sup>

### **Одам савдосининг асосий шакллари:**

Инсон савдоси (**траффик**)нинг асосий ва энг хавfli шакллари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) Жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси;**
- 2) Жинсий эксплуатация объекти сифатида болалар савдоси;**
- 3) Мажбурий меҳнатнинг объекти сифатида инсон савдоси;**
- 4) Одамнинг табиий органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида инсон савдоси.**

Юқорида санаб ўтилган инсон савдосининг шаклларини мазмунан кўриб чиқамиз:

#### ***1. Жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси;***

Умум эътироф этилган, аёллар савдосига боғлиқ бўлган Конвенцияларда масалан, “Инсон савдоси ва фоҳишаликни йўқотиш” (*Нью-Йорк, 2 декабр 1949 йил*) ва “Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишнинг барча шаклларида барҳам бериш” тўғрисидаги конвенцияларда жинсий эксплуатация қилишда аёлларни умумий объект сифатида қаралган. Санаб ўтилган конвенцияларда умумий тушунчаси кўрсатилган. Лекин ҳар бир давлатнинг миллий қонунчилигида жинсий эксплуатация қилишда аёлларни махсус объект сифатида кўриш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида номусга тегиш, аёлларни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш

<sup>14</sup> Р.Қодиров. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо. 16.10.2008. <http://prokuratura.uz/>

тўғрисида 118, 121-моддаларида кўрсатилган. Мажбур этиш йўли билан аёлларни жинсий эксплуатация асирга айлантириб, кейин уларни сотиб юборилиши ҳозирда кўпгина давлатларда муаммо сифатида мавжуд, десак адашмаган бўламиз. Жинсий эксплуатация объекти сифатида чет элга бориб қолган аёллар эса моддий қарамликка дуч келадилар. Моддий қарамлик деганда, аёлнинг жинсий эркига тажовуз қиладиган шахснинг тўла қарамоғида бўлиши ёки унинг яшаши учун асосий маблағларни ундан олиб туришини тушуниш зарур.



## ***2. Жинсий эксплуатация объекти сифатида болалар савдоси:***

1989 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” ги Конвенцияда ва 2000 йилдаги “Болалар савдоси, болалар фохшабозлиги ва болалар порнографияси тўғрисида” қабул қилинган Конвенция ҳамда Конвенцияга кўшимча баённомада жинсий эксплуатация объекти сифатида болаларни умумий объект сифатида кўрсатилган ва алоҳида жинсий эксплуатацияга нисбатан жазо белгиланмаган.

Жинсий эксплуатация объекти сифатида болаларни пул учун ёки бошқа моддий манфаатларни кўзлаган ҳолда, фохшабозлик билан шуғулланишга мажбур қилиш тушунилади<sup>13</sup>

Миллий қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 128, 129-моддаларига мувофиқ, “16 ёшга тўлмаган шахслар билан жинсий алоқа қилган ва уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этган шахс жинсий жавобгарликка тортилади” дейилган. Демак, миллий қонунчиликда жинсий эксплуатация объекти сифатида болаларни махсус объект сифатида кўришимиз мумкин.

Жинсий эксплуатацияни болаларни алдаш, зўрлик ишлатиш ва кўрқитиш йўллари билан амалга ошириш, сотиб юбориш инсон савдосига киради.

<sup>13</sup> “Болалар савдоси, болалар фохшабозлиги ва болалар порнографияси” Кўшимча Протокол 2-модда б-банди

БМТ Баённомасининг 3 моддаси:

с) боладан фойдаланиш (*эксплуатация қилиши*) мақсадида уни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, бу ҳолат мазкур модданинг (а) бандида кўрсатилган таъсир кўрсатиш воситаларининг биронтасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган тақдирда ҳам, барибир “одам савдоси” ҳисобланади;

д) 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс “бола” ҳисобланади.

2000 йил 25 май куни “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга Факультатив Баённома қабул қилинди. Ушбу ҳужжат одам савдоси, болалар фоҳишалиги ва порнографиясига боғлиқ бўлиб, болалар савдоси, болалар фоҳишалиги ва порнографиясини тақиқлайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги “Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт”, деб кўрсатилган<sup>15</sup>.

Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам бериш:

- бундай болалар тўғрисидаги ҳар қандай маълумот васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол етказилади;

- болалар ҳуқуқларининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ таъминланади;

- жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари лозим;

- одам савдосидан жабрланган болаларга давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти яратилиши керак;

- уларнинг оилаларини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чораларини кўриш лозим (*“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси*).

### ***3. Мажбурий меҳнат объекти сифатида одам савдоси:***

1930 йилда қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида” ги Конвенцияга биноан, зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат – ўз ихтиёри билан хизматларини таклиф қилмаган инсондан бирон шахс фойдасига муайян жазо тайзиқи остида ҳар қандай меҳнат ёки хизматни амалга оширилишидир.

---

<sup>15</sup> “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 й., 16-сон, 11-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



Мажбурий меҳнатнинг объекти сифатида эркаклар, аёллар, 18 ёшга тўлмаган болалар бўлиши мумкин.

Миллий қонунчиликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасида шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаб, мажбурий меҳнатга жалб қилишда жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Мажбурий меҳнатга жалб қилиш алдов йўли билан амалга оширилади. Алдов муайян фаолият билан шуғулланишга розилик олиш мақсадида битим тузиш учун ёлловчининг зарур бўлган вазиятлар тўғрисида била туриб ёлғон хабарлар бериши ёки бекитишини тақозо этади.

Зўрлаб ишлатиш ва мажбурий меҳнат шахвоний фойдаланиш йўли билан яъни шахсни шундай аҳволга тушириб қўйиш тушиниладики, унда ёлланган шахс ёлловчининг хоҳишига кўра тартибсиз жинсий алоқаларга киришишга ёки кимларнингдир жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондиришга мажбур қилиш, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одамларни ёллаш яъни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иштирокида олдиндан била туриб алдов йўли билан одамлардан шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш (*тил бириктириш одамларни ёллашгача тузилган бўлади*) йўли билан содир этилади.



#### ***4. Одамнинг тана органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида инсон савдоси:***

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 133-моддасига мувофиқ, шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (*консервация*) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиб сотиш инсон савдосининг яна бир шаклларида биридир. Ҳозирги кунга келиб бу кўринишдаги жиноятлар авж олган десак адашмаймиз. Ғараз ниятларда моддий

фойда олиш мақсадида одамнинг тана органларини ажратиб сотиш каби жиноятлар, айниқса урушлар оловида қолган мамлакатларда авж олиб кетмоқда. Суриядаги урушлардан жон сақлаш мақсадида бошқа давлатларга кочган одамлар, айниқса болалар, қочоқлар учун тузилган резервларда, клиникаларда нопок жаррохлар қўлида трансплант материалга айланиб, ҳаётдан кўз юммоқдалар.

## **2. Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг ривожланиши**

Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатилган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, “Оқ қуллар савдосига қарши кураш” номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция “Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш” ва “Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш” номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда “Инсон ҳуқуқлари” умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг “Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси”, “Қуллик хусусида”ги Конвенция, “Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида”ги қўшимча Конвенция, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.<sup>16</sup>

Жаҳон ҳамжамияти томонидан илк бора 1950 йилда “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенцияда одамларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳар қандай жамиятнинг ривожланишига тўсиқ бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (*Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь*) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённома одам

---

<sup>16</sup> Одам савдоси — инсон эркинлигига таҳдид. 26. 09.2014. <https://minzdrav.uz>

савдоси билан боғлиқ жинойтларнинг халқаро миқёсда катта муаммога айланаётганлигини кўрсатди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги санаб ўтилган умумэътироф этилган Конвенциялар инсон савдосига қарши курашда ҳуқуқий жихатидан ёрдам беради. Дин томондан ҳам қаралганда инсонга азоб бериш, уни қийнаш, турли хил тарзда азобга солиш қатъий қораланади. Масалан, Ислом динининг муқаддас китоби бўлган **Қуръони Каримнинг “Нур” сураси 23-оятда айтилганидек, “Албатта (бузуқ ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган инсонлар дунёда ҳам, охираатда ҳам лаънатга дучор бўладилар. Улар учун улуг азоб бордир”**.<sup>14</sup>

Жамиятни инсонпарвар этиш муаммосини ҳаётнинг ўзи қўяётганлигини кўриб турибмиз. Бу муаммо замонамизнинг энг муҳим муаммоси эканлиги бежиз эмас. Зеро айнан ушбу муаммо жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг салбий кўринишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини аёлларга нисбатан зўравонлик, камситишнинг олдини олишга қаратилган универсал аҳамиятга эга ҳужжатлар ишлаб чиқишига ва қабул этишига ундади. Бу ҳужжатлар аёлнинг оиладаги бебаҳо ўрнини, болалар тарбиясидаги аҳамиятини, ижтимоий тараққиётдаги ўрнини, ижтимоий кадр-қимматини яна бир бор тасдиқлаб беради. Бундай мазмундаги ҳужжатлар, халқаро меъёрлар қаторида “Аёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш тўғрисида”ги Декларацияни алоҳида санаб ўтиш керак. Мазкур Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йилнинг 7 ноябрида қабул қилинган.

Декларация ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди, унинг кўрсатмалари тавсия мақомида бўлса-да, аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида Декларациянинг аҳамияти беқиёс.

1993 йил БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида **“аёлларга нисбатан зўравонлик”** атамасига шундай изоҳ берилади. “Аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётидан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатдир”.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар хос иллат ҳисобланди. Ҳаттоки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл

<sup>14</sup> Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т.: Чўлпон. 1992 б.252.

жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳ.к. Социологлар хулосасига кўра, 60 миллион аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (*Танзания 60 фоиз*), Жанубий Осиё (*60 фоиз*), Лотин Америкасида (*57 фоиз*), аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин<sup>17</sup>.

Ҳозирги кунда инсон савдоси глобал бизнес турига айланиб, жиноий гуруҳларнинг шиддат билан ўсаётган фаолият доирасига айланиб бормоқда. Гарчи жиноий гуруҳлар учун наркотиклар ва қурол-яроғ контрабандаси катта фойда келтираётган бўлса ҳам, инсон савдосининг келтираётган фойдаси ҳам бундан қолишмайди.

Бундай бизнес тури фақатгина охириги ўн йилликда шундай катта ҳажмда ривожланиб кетди. Гарчи 1926 йилда куллик тўғрисидаги Конвенция ҳамда 1966 йилда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти қабул қилинган бўлса ҳам, унда ҳеч ким инсонни кулликда ушлашга ҳаққи йўқлиги, ҳар қандай куллик ва инсон савдоси таъқиқланганига қарамай, XXI асрда шундай муаммо мавжуд бўлиб турибди. Кейинги воқеаларнинг гувоҳлик беришича, бу муаммо ҳали бери бир ечимга келадиганга ўхшамайди. Дунёда бу ҳодиса энг долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бевосита аёллар ва болалар инсон савдоси қурбонларига айланмоқдалар. Одатда ўсмирлар ва болалар шафқатсиз шароитларда, фақат озиқ-овқат учунгина суткасига 14 соатлаб ишлаш керак бўлган турли ферма ва заводларга сотилмоқда. Кўпинча ўсмирларни – ўғил болаларни ҳам, қиз болаларни ҳам жинсий эксплуатацияга тортмоқдалар.

БМТнинг тақдим этган фактларига кўра, ҳозир дунёда 27 миллион инсон кулликдадир. Бу сон камайиш ўрнига кундан-кун ўсиб бормоқда. Кўпинча куллар худди ўрта асрлардаги каби занжир билан боғланган ҳолда ишламоқдалар. Италиялик олим Пино Арлакининг маълумотига кўра эса тирик куллар сони ҳатто 200 миллионга етиши ҳам мумкин экан.

БМТнинг таъкидлашича, ҳеч бир мамлакат куллар савдосидан ўзини муҳофаза эта олмайди. Шуниси қизиқки, куллик балоси нафақат ёш, энди ривожланаётган мамлакатларда, балки АҚШ ва Европа каби ривожланган ҳудудларда ҳам илдиз отган.

Халқаро ташкилотларнинг берган маълумотларига қараганда, Европада аёлларнинг жинсий кулликка маҳкум қилиниш ҳолатлари Голландия (Нидерландия) ва Бельгияда кўпроқ учрайди. Голландиядаги аҳвол айниқса, ачинарлидир. Бу ерда “кўхна касб вакиллари” алоҳида рўйхатга олиниб, давлат

---

<sup>17</sup> Ф.Бақоева. “Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари” Т. “Адолат” 2002.100-б.

назорати остига олинган бўлсада, бироқ ушбу давлат глобал инсонлар савдоси (траффи) тармоғининг марказларидан бирига айланган ҳамда кўплаб аёллар мажбурий фоҳишабозликка тортилган.

1988 йилда Голландияда хорижликлар тўғрисида махсус қонун қабул қилинган бўлиб, аёлларни фоҳишалик ҳолатлари кўзга ташланадиган бўлса, уларни дарҳол депортация қилиш назарда тутилган эди. Бироқ, кейинчалик, 1993 йили Голландияда ушбу қонуннинг мазкур банди бекор қилинган<sup>18</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг кўплаб мамлакатлари қонунчилигида ҳамда 1949 йилдаги “Инсонлар савдоси ва фоҳишаликни пуллашга ва учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияда ҳам фоҳишабозликка зўрлик ва тазйиқ ўтказиш орқали мажбурлаш тушунчаси киритилмаган. Голландия Бош Прокурори фоҳишабозлик тушунчаси таркибига ана шу омилни ҳам киритиш таклифини киритиб, бу борадаги қонунчиликнинг анчагина такомиллашувига олиб келди.

Ҳозирда Голландияда махсус ишлаб чиқилган Ле Страда дастурига мувофиқ “таъминловчи-давлатлар”, хусусан Польша, Чехия ва Украина билан ҳамкорликда қўшма тадбирлар амалга оширилмоқда.

БМТ текширувлари натижаси бўйича Непал, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Габон, Гаити, Мьянма каби давлатларда айниқса аҳвол ёмон, бу ерда ҳукуматдаги коррупция ва таъмагирлик натижасида қуллар савдоси гуллаб-яшнамоқда. Ҳатто Ҳиндистонда муайян гуруҳ бошқасининг устидан ҳукмронлик қилиши анъанаси ханузгача сақланиб қолган. Жанубий Осиё давлатларида эса қарз эвазига одамларни қулга айлантириш ва мажбурий ишлаб бериш каби ибтидоий одатлар ҳалигача амалда. Бу ерларда қуллар савдоси билан курашиш оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирга қадар жуда кўплаб халқаро Конвенциялар ишлаб чиқилмоқда, қолаверса ҳар бир давлат ўз қонунчилигида инсон савдосига қарши кураш тўғрисида кўплаб қонунлар чиқармоқда, аммо афсуски жуда кам ҳолларда умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга амал қилинапти. Мисол учун, Германия Федератив Республикасининг Фуқаролик Кодекси 138-моддасида “аёл танасини сотишни” жамиятга хос бўлмаган, маънавий ва ахлоққа қарши ҳолат, деб таърифлайди. Лекин шу Германиянинг қонунчилигидаги инсон савдосига қарши кураш юзасидан самарали натижа кўзга ташланмаяпти. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Бугунги кунда инсон савдосини тақиқловчи аёл ва эркак тенглиги масалалари турли халқаро – ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса ҳам, ҳатто

---

<sup>18</sup> Торговля женщинами из бывшего Советского Союза. Вынужденная миграция и права человека. Сборник материалов бюллетена «Мониторинг вынужденной миграции». М: 1998. с 112.

давлатларнинг конституцияларида алоҳида таъкидланган бўлса ҳам, янги асрда ҳамон шу муаммо ечилмай қолмоқда.

Инчон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, жумладан шундай дейилади: “Эркак ва аёллар ирқи, миллати, динига қараб бирор бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтаётганда, никоҳдалиқ даврда ва никоҳ бекор қилингандан кейин ҳам бир хил ҳуқуқдан фойдаланадилар. Никоҳ икки томоннинг розилиги билан тузилади”. Мазкур норма “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги халқаро Конвенциянинг 16-моддаси 1-бандида ҳам акс этган. Унда барча иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилавий муносабатлардаги барча масалалар эр-хотиннинг тенглиги асосида ҳал этилиши ва оилавий масалаларни ҳал этишда хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш учун зарур чоралар кўриши лозим дейилган.

Халқаро Декларация ва Конвенциянинг мазкур нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”, дейилган<sup>17</sup>.

Мазкур Конституциявий нормалар эса 1998 йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси қарорига биноан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси оила кодексининг бир қанча моддаларида тўла ва аниқ акс этган.

Жумладан, 2-моддада: “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларни ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила-аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади”, дейилган. Мазкур кодекснинг 3-моддасида оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги кўрсатилиб, шундай дейилади: “Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралаштиришга йўл қўйилмайди” Кодекснинг 14-моддасида эса, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги қўйидагича таърифланган: “Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси

этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ қилишга мажбур этиш таъқиқланади”, 15-модда – никоҳ ёши, 19-моддада – оилада эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, 21-моддада – оилавий турмушнинг барча масалаларини эр-хотин биргаликда ҳал қилиниши, 22-моддада – эр ва хотиннинг машғулоти тури, касби ва турар жой танлаш ҳуқуқлари белгиланган. Шу жумладан, ушбу Кодекснинг 24, 29, 53, 54-моддаларида ҳам халқаро тан олинган нормаларнинг ўзбекона кифоасини кўриш мумкин. Оила кодексининг баъзи моддаларида эса, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган ва 1991 йил Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг моддаларининг имплементациясини ҳам учратишимиз мумкин. Конвенциянинг 4, 7, 9, 10, 16, 13-моддаларидаги нормалар Оила кодексининг 67, 68, 71, 177, 179 ва бошқа кўплаб моддаларида акс этган.

### **3. Одам савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

Ҳозирги кунда одам савдоси жинояти бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Одамдан эксплуатация мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар сони ошиб бориши бундай ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига таъжовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикасида миграция жараёнлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 505-сонли қарори билан тартибга солинади. Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси масалалари фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Фарғона, Нукус, Бухоро, Қарши минтақавий бюрolari зиммасига юклатилган.

Одам савдоси нафақат бир киши, бир оила, балки бутун бир жамият ҳаётига катта ижтимоий хавф тугъдирадиган жиноятдир. Унга қарши самарали кураш олиб боришда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80дан ортиқ халқаро ҳужжатга кўшилган ва БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчисидир.

Глобал хавф-хатарлар ҳақида сўз борганида динлараро, миллатлараро низолар ва тўқнашувларни, ноқонуний қурол-яроғ ва наркотиклар савдоси, одам савдоси каби таҳдидларни тилга олмаслик мумкин эмас.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига қараганда, бу жиноят туфайли дунё бўйича 7 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул ноқонуний айланади. Одам савдоси даромад келтириш бўйича наркобизнес ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаши ҳам бу турдаги жиноятчиликнинг қай даражада чуқур илдиз отганлигидан далолатдир. Дунё ҳамжамияти олдидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланган жиноятнинг бу тури Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бу давр оралиғида бу илатга барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг нолегал трафикага қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.<sup>18</sup>

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди. Бундан ташқари, 2000 йил 15 ноябрдаги БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги баённомаси ҳам ратификация қилинди.

Мамлакатимизда бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Ўзбекистонда одам савдоси жиноятига қарши курашишга оид ҳуқуқий механизм яратилган. Жумладан, 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича” Қарори қабул қилиниб, шу асосда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилиб, унинг Низоми ва таркиби тасдиқланди “2008-2010 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий Дастур”, “2011-2012 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси” ва “2013-2014 йилларга мўлжалланган одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш бўйича тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, барча вазирлик ва ташкилотларга

---

<sup>18</sup> Т.Хайдаров, Одам савдоси давр муаммоси. 19.03.2015. <http://jizzax.adliya.uz/>



аниқ вазифалар юклатилди, ушбу режа ижроси комиссия раиси ва ишчи гуруҳ томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси жиноятига жавобгарлик белгиланган. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси янги таҳрирда ўзгартирилди.

Инсон ҳуқуқларини поймол қиладиган трансмиллий жиноят жаҳон ҳамжамияти қатори давлатимизни ҳам ташвишга солганлиги сабабли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб бундай уюшган жиноятчиликка қарши курашишни бошлади.

Бундан ташқари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг одам савдосига қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, одам савдоси жиноятиининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш Республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳрида 30 ўринга мўлжалланган одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган Республика Реабилитация маркази ташкил қилинди.<sup>19</sup>

Реабилитация маркази 2009 йил 18 ноябрда иш фаолиятини бошлаб, ҳозирги кунга қадар республиканинг турли ҳудудларида яшовчи одам савдосидан жабрланган фуқароларга тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда одам савдосига қарши кураш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бу тоифа жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан муросасиз курашиш бўйича қонун нормалари такомиллаштирилди, яъни 2008 йилнинг 16 сентябрида Жиноят Кодексининг 135-моддаси ўзгартирилиб, санкция қисмида жазо чоралари кучайтирилди.

Бундан ташқари, одам савдосига оид қонунчиликни қўллашни тартибга солиш ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида 2009 йил 24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди

---

<sup>19</sup> “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. <http://www.lex.uz/>

пленумининг “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли Қарори Ўзбекистонда трансмиллий жиноятга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар идоралари зиммасига катта масъулият юклади.

Таҳлилларга кўра, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган кундан ҳозирги кунга қадар содир этилган жиноятларнинг катта қисми 2008-2009 йилларга тўғри келган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан олиб борилган тезкор қидирув ва профилактик чора-тадбирлар натижасида ушбу турдаги жиноятларнинг содир этилиши 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 42,9 % га, 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 16,8 %га ва 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 4,5 %га камайишига эришилди.

## **Одам савдосига қарши кураш масалалари**

### **1. Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ташкилотлар**

Инсон савдосини бартараф этишда халқаро ташкилотлар, халқаро нодавлат ташкилотлар асосий аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда айнан инсон савдосига қарши курашаётган унверсал халқаро ташкилот йўқ албатта, бироқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва халқаро Меҳнат Ташкилоти, қолаверса Халқаро Миграция Ташкилотининг ўрни ниҳоятда муҳим.

Меҳнат муносабатларини халқаро миқёсда тартибга солувчи орган Халқаро Меҳнат Ташкилоти (*ХМТ, русча МОТ*) ҳисобланади. ХМТ Миллатлар лигасининг ихтисослашган муассасаси сифатида 1919 йил ташкил топган.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (*БМТ*) ташкил топгач, ХМТ БМТ нинг ихтисослашган муассасаси мақомини олди. Ҳозирги кунда ХМТ га 174 та давлат аъзо ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган. ХМТ 1999 йилгача бўлган даврда 370 та халқаро ҳуқуқий ҳужжат (*181 та конвенция ва 189 та тавсиянома*) қабул қилган<sup>19</sup>.

ХМТ ўз конвенция ва тавсияномаларида халқаро меҳнат муносабатларини, яъни меҳнат миграцияси масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга катта аҳамият қаратмоқда. Меҳнаткаш мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 1949 йил ХМТ Бош Конференцияси XXXII сессиясида 1939 йилги “Меҳнаткаш мигрантлар тўғрисида”ги конвенцияни қайта кўриб

---

<sup>19</sup> Қаранг Киселев И. Я. Сравнительное и международное трудовое право. Москва, 1999. 458-бет.

чикди ва янги таҳрирдаги “Меҳнаткаш мигрантлар тўғрисида”ги 97-сон конвенцияни қабул қилди.

Фуқаролар (*кишилар*), яъни меҳнатга лаёқатли шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва у ерда меҳнат қилиши меҳнат миграция деб аталади<sup>20</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти халқаро (*ташқи*) миграцияни асосий беш типга ажратиб таснифлади:

1) қабул қилиб олувчи давлатда белгиланган муддат давомида шартнома (контракт) асосида ишловчи меҳнаткашлар. Буларга ҳосилни териш ва йиғиштириш учун келган мавсумий меҳнаткашлар, малакага эга бўлмаган ёки кам малакага эга бўлган меҳнаткашлар ва бошқалар киради.

2) Юқори билим ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар. Бу гуруҳга профессор – ўқитувчилар ва талабалар гуруҳи киради.

3) Ноқонуний имигрантлар. Бу гуруҳга мамлакатга туристик виза асосида келиб давлат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширувчилар киради. Миллионлаб бу гуруҳга кировчи шахслар асосан АҚШ, Европа, Япония, Жанубий Америка давлатларига қараб интилади ва ҳатто Африкага қараб йўл олишади.

4) Кўчиб келганлар. Бу гуруҳ шахслар ўз давлатидан бошқа давлатга доимий яшаш учун кўчиб келади. Бу гуруҳ мигрантлар саноати ривожланган мамлакатларга қараб интилади.

5) Қочоқлар. Бу гуруҳ шахслар ҳаёти ва фаолиятига суиқасд ёки тазйиқ ўтказиши натижасида ўз давлатини тарк этиб ўзга давлатга боришга мажбур бўлган шахслардир<sup>21</sup>.

Меҳнат миграцияси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида бир мунча маълумотларга эга бўлиш унинг ўрганилаётган муаммо, яъни одамлар савдоси (*траффиғи*) билан боғлиқлигини англаб олишимиз мумкин.

Халқаро Миграция Ташкилоти биринчилардан бўлиб инсонлар траффиғи муаммоларини кўтариб чикди. 1994 йилда халқаро миқёсда биринчи марта ушбу ташкилот саъй-ҳаракатлари билан траффик масалаларига доир анжуман чақирилди. Ҳозирда Халқаро Миграция Ташкилоти траффик тизимидаги ўтгиздан ортиқ лойиҳаларни бутун дунё бўйлаб амалга оширмоқда. Улардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Траффик (пуллаш) масалаларига оид тадқиқотлар ишларини ўтказиш;

<sup>20</sup> Қаранг Киселев И. Я. Сравнительное и международное трудовое право. М. 1999 йил. 459 – бет

<sup>21</sup> Қаранг Авдокушин В.И. Международные отношения. М. , 1998. 356-бет.

- Траффик (*пуллаш*) қурбонларини репатриация ва реинтеграция (*бу истисно тариқасида фуқароликка эга бўлиш усули*) қилиш масалалари билан шуғулланиш;

- Потенциал траффик қурбонларига оид ахборот лойиҳалар тузиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ҳукумат органлари ходимлари учун траффик (*пуллаш*) муаммоларига қаратилган ўқув дастурлари ташкил этиш.<sup>22</sup>

Украина (*Ла-Страда*), Белгиянинг Рауке (*Пайоке*), Нидерландиянинг (*Фаундэйшн Эгейнст траффикинг инвилин*), Таиланд (Аёллар савдосига қарши жамғарма), Ўзбекистон (*Истиқболли авлод*) ҳозирда ўз фаолиятини самарали олиб бормокда.

Ҳозирда яна бир ташкилот инсон савдосига қарши курашда ўзининг самарали фаолияти билан ажралиб турибди. **Christian Solidarity International** номланувчи бу ташкилот инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. 1999 йилдан Суданда 4 йилдан ортиқроқ қулликка қарши курашди. Ўша йили ушбу ташкилот Судан шимолидаги араб кўшмачиларидан 2035та қулни 7 кун ичида сотиб олиб, уларни Судан жанубига, асли ўғирланган жойига қайтаришга муваффақ бўлди. Швецияга тегишли бўлган бу ташкилот Суданда 1995 йилда 11 000дан ортиқроқ қулни озод қилди. Ташкилот ҳар бир қул учун араб кўшмачиларига 50 доллардан тўлади. Умумий миқдорда 100 000 АҚШ долларидан ортиқроқ пул тўланди. Аммо бу ташкилот жамоа танқидига ҳам дучор бўлди, чунки қулларнинг сотиб олинishi инсон савдоси ривожланишига асос бўлади. Маҳаллий аҳолининг ҳикоя қилишича, ҳукуматни қўллаб-қувватловчи, қуролланган араб жангарилари доимий равишда отларда мамлакат жанубига бостириб келишган. 1983 йилдан бошлаб Суданда фуқаролар уруши қайта бошланганидан бери улар мамлакат жанубига келиб, талончилик қилишган, уйларни ёндириб кетишган, шунингдек, аёллар ва болаларни ўғирлаб кетиб, қул қилишган. Судан шимолида ўғил болалар асосан молларни боқишда, қиз болалар эса уй-рўзғор ишларида хизматкор бўлиб ишлайдилар, кўп ҳолларда уларга нисбатан зўравонлик ишлатиб турилади. Шу нарса аниқки, мамлакатнинг ўзида тинчлик қарор топмас экан, ҳукуматнинг ўзи инсон савдогарлари билан курашмас экан, оддий одамлар ёрдамни ҳеч қаердан кута олмайдилар. Натижада эса фақатгина шу ташкилот уларнинг ягона умидига айланиб қолди.

Одам савдосини бартараф этишда Халқаро жиноят полицияси ташкилоти алоҳида ўрин тутди десак адашмаймиз. Халқаро жиноятчиликка қарши курашда тўғридан-тўғри иштирок этадиган халқаро жиноят полицияси

---

<sup>22</sup> Материалы конференции «Женщина, Закон и миграция», Алматы. 2002, с17.

ташкilotи (*Интерпол*) 1923 йили Венада ташкил топган. Иккинчи жаҳон уруши даврида у ўз фаолиятини тўхтатади. 1946 йили Интерпол қайтадан ташкил этилади, 1956 йили эса унинг Низоми кучга киради. 1982 йили Интерпол халқаро ҳукуматлараро ташкилот мақомини олди. Унга 170 дан ортиқ давлатлар аъзо бўлиб, сон жиҳатдан БМТдан кейин иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади.

Интерполга аъзо мамлакатларнинг полиция хизматида Миллий марказий бюро (ММБ) ташкил этилган. Улар ўз мамлакатларининг турли ташкилотлари (*биринчи навбатда суд, прокуратура, чегара ва божхона қўмиталари*), бошқа мамлакатлар ММБ ва Интерполнинг Бош қотиби билан ўзаро алоқаларни амалга оширадилар.

## **2. Одам савдосига оид ҳужжатларни тадбиқ этиш бўйича давлатлар амалиёти**

Ҳозирги кунда кўпгина давлатлар инсон савдосига қарши кураш олиб боришда турли қонун лойиҳалари ва дастурлар ишлаб чиқмоқда. Лекин давлатларнинг инсон савдосига оид қонун ҳужжатларининг ҳаммасини ҳам самарали қўлланилапти деб бўладими, деган савол туғилиши табиий албатта.

Кўпгина давлатлар қонунчилигида инсон савдосига оид қонунлар қабул қилинган, уларга йилдан йилга ўзгартиришлар киритилаяпти, аммо амалда улар ишлаётгани йўқ. Одам савдосини ўзига ҳунар қилиб олганлар сони ҳали ҳам камаймаяпти. Уларнинг қилмишларига жавобгарлик ҳам давлатларнинг қонунчилигида катта муддатда кўрсатилган бўлсада, амалда улар фақат жарима ёки аҳлоқ тузатиш жазоси билан жазоланаяптилар ҳолос.

АҚШнинг инсон савдоси билан шуғулланувчи Департаменти одам савдосига қарши курашаётган давлатларни қанчалик самарали фаолият олиб бораётганликларига қараб, категорияларга бўлиб ўрганмоқда. Инсон савдоси қурбонларини ҳимоя қилишда давлатларни 3 категорияга ва 3 асосий омилга таянган ҳолда тақсимлайди:

1. Қай даражада етказиб берувчи, транзит ва инсон савдосининг бошқа турларини амалга оширувчи давлатлар;
2. Қай даражада давлатлар минимал меъёрларга риоя қиламаётганлиги;
3. Инсон савдосини бартараф этишда давлатларнинг қай даражада ресурслари ва имкониятлари бор.

*Минимал меъёрларга қуйидагилар киради:*

- Ҳукуматлар ўз қонунчиликларида инсон савдоси муаммосини киритишлари ва бу муаммо юзасидан қонунчиликда жазо кўрсатилган бўлиши керак.

- Қасддан содир этилган инсон савдосини бартараф этиш учун ҳукумат томонидан қатъий жазо қўллашлари лозим.

- Инсон савдосига қарши курашишда давлатлар жиддий чора-тадбирлар қўллашлари ва аҳолини бохабар қилишлари лозим.

Давлатларнинг инсон савдосига қарши курашаётганлигини баҳолаш учун юқоридаги минимал меъёрларни ва 2 босқични эътиборга олишимиз керак.

**1 босқич: қурбонларнинг миқдорини аниқлаш;**

**2 босқич: категоризациялаш** яъни қайси давлат инсон савдосини бартараф этишда меъёрларга амал қилишига қараб, 3 та категориядан бирига мансуб бўлади.

Давлат барча минимал меъёрларга амал қилса, *биринчи* категорияга мансуб ҳисобланади. Инсон савдосига қарши курашда қандай чора-тадбирлар олиб бораётганлигига қараб ва минимал меъёрларни бузмаётган давлатлар *иккинчи* категорияга мансубдир. *Учинчи* категорияга эса, минимал меъёрларни бажармаётган ва инсон савдосини бартараф этишда ўзининг таклифлари билан чиқмаётган давлатлар киради.

Айрим давлатларни инсон савдосини бартараф этишда олиб бораётган фаолиятини амалий таҳлил қилиб, категорияларга бўлиб ўрганиб чиқамиз<sup>24</sup>.

*Иккинчи* ва *учинчи* категорияга мансуб давлатларга қуйидагилар киради: Арманистон, Озайбаржон, Беларусия, Эстония, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Украина, Узбекистон Республикаси, Таиланд Киrolлиги.

### **Арманистон**

Арманистон асосан Бирлашган Араб Амирликларига ва Туркия давлатига аёлларни, қизларни ва вояга етмаган болаларни жинсий эксплуатация объекти сифатида етказиб берувчи давлат ҳисобланади. Инсон савдоси билан шуғулланувчилар Грузия орқали аёлларни Туркияга етказиб турадилар. Арманистон Ҳукумати минимал меъёрларга амал қилмасада, лекин инсон савдосини бартараф этишда ўзининг бор кучини ишга солмоқда. Арманистон Ҳукумати “Инсон савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, инсон савдоси билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жазони қўллашаётганлигини кўришимиз мумкин.

Арманистон Ҳукумати 2003 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг инсон савдосини, мажбурий меҳнат ва жинсий эксплуатацияни бартараф этиш

<sup>24</sup> [www.humantrafficking.com/Comboja/Facts](http://www.humantrafficking.com/Comboja/Facts)

тўғрисидаги 132-модда қўлланилмоқда. Лекин айрим ҳолларда судьялар 132-моддага биноан чиқарилган ҳукми бекор қилиб, инсон савдоси билан шуғулланганликда айбланиш ўрнига жиддий бўлмаган жиноятларда шуғулланганликда айблаб, оғир бўлмаган жазони қўллашмоқда, чунки одам савдоси гуруҳларининг қўллари жуда узун. 2005 йилнинг ўзида инсон савдоси билан боғлиқ 30 та жиноий иш қўзғатилган. Шундан 14 таси судгача борган, 17 тасига суднинг ҳукми эълон қилинган. Шулардан айрим жиноятчилар қамол жазоси билан жазоланган қолганлари эса ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима билан жазоланган.

Инсон савдосининг қурбонларини ҳимоя қилиш юзасидан бир мунча ишлар олиб бориляпти, аммо Арманистон Ҳукуматининг инсон савдосига қарши курашиш бўйича ўзининг расмий механизми йўқ. Ҳозирда фақат халқаро ташкилотлар ва ноҳукуматлараро ташкилотлар ёрдамига суянмоқда. Баъзи бир қурбонларга суд жараёнида эътибор билан ёндашилмаган ҳолатларни кузатиш мумкин. Бу эса қурбонларни судда инсон савдоси билан шуғулланганларга қарши гувоҳлик бериш ишончини янада камайтиради. Лекин шунга қарамадан, Арманистон Ҳукумати 2006 йилга келиб, инсон савдосини бартараф этиш бўйича самарали ишларни қилди. Давлат органлари томонидан миллий режа ишлаб чиқилди (*2006 йил январь*). Миграция ва қочоқлар бошқармаси инсон савдоси юзасидан маълумотлар тўплаб Арманистоннинг қишлоқларига брошюрлар тарқатиб, ёмон оқибатлари тўғрисида докладлар билан чиқдилар. Миграция ва қочоқлар бошқармаси “Мехнат миграциясини тартибга солиш тўғрисида” янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Одам савдосини олдини олиш мақсадида, Арманистон Ҳукумати болалар уйининг тарбияланувчилари уй билан таъминлаш юзасидан самарали ишлар олиб бормоқда.

### **Россия Федерацияси**

Бугунги кунда инсонлар савдосининг халқаро жиноий тизимида асосий “етказиб берувчи” мамлакатлардан бири ҳисобланади, бу мамлакатдаги номақбул оғир иқтисодий вазият ва кейинги йилларда бутун дунё бўйича халқаро инсонлар савдоси жараёнида кам аҳамиятли роль ўйнамайдиган “рус мафияси”нинг фаоллашуви билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга Россия инсонлар савдоси оқимлари учун (*асосан – Осиёдан Европа йўналишида*) транзит мамлакат ва МДҲ мамлакатлари, асосан – Украина, шунингдек, Осиё мамлакатлари (*Вьетнам, Хитой ва б.*)дан келадиган инсонлар савдосининг оқимлари учун манзил мамлакат ҳисобланади.

Россия Федерацияси Аёлларга қарши камситилишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни, Инсонлар савдосини ва учинчи

шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланишини таъқиб қилиш тўғрисидаги Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган, бироқ куллик тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилмаган.<sup>25</sup>

**Россия Конституцияси** “Ҳар ким эркин ва шахсий дахлсиз бўлиш ҳуқуқига эга” ва “ҳеч ким зўрлашга дучор қилиниши мумкин эмас” деган қоидаларни мустаҳкамлайди.<sup>26</sup>

**Россия Федерациясининг Жиноят Кодексида** вояга етмаган шахслар савдоси ва уларни ёллаш тўғрисида махсус модда йўқ, бироқ, ҳар бири одам ёллаш ҳаракатининг қисмларини баён қилувчи Жиноят кодексининг бир неча моддаларини бирлаштирган ҳолда бу жиноятнинг “терма” квалификациясини ҳосил қилиш мумкин.

120-модда: Инсон аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун олишга мажбурлаш, яъни жабрланувчини унга нисбатан ҳар қандай жисмоний ёки руҳий зўрликни қўллаш орқали трансплантация учун унинг аъзолари ёки тўқималарини олишга мажбурлаш.<sup>27</sup>

126-модда: Одам ўғрилаш, яъни кейинчалик озодликдан маҳрум қилишдан иборат жонли одамни эгаллаб олиш кўринишида яширин ёки ошқора амалга ошириладиган қилмиш.<sup>28</sup>

151-модда: Вояга етмаган шахсни жамиятга зид ҳатти-ҳаракатларни, шу жумладан фоҳишабозлик билан шуғулланишга кўрқитиш, кўндириш, зўрлаш ёки таҳдид, турли найрангларни қўллаш, тобе мақедан фойдаланиш ва бошқа йўллар билан тортиш орқали жалб этиш.<sup>29</sup>

Мазкур моддага нисбатан шуни айтиш лозимки, унга нисбатан проф. Х.М.Ахметшин томонидан берилган шарҳда<sup>30</sup> вояга етмаган шахсни фоҳишабозликка жалб этиш усуллари фарқланмасдан аралаш берилган ва зўрлаш орқали (*кўрқитиш, таҳдид солиш*) ва зўрлик ишлатмасдан содир этиладиган (*кўндириш, турли найрангларни ишга солиш*) усулларга ажартилмаган. Шундай қилиб, жиноят ҳатто зўрлик ишлатмасдан ҳам содир этилган деб ҳисобланиши мумкин.

Шундай қилиб, Россия Жиноят Кодексининг юқорида санаб ўтилган ҳамма моддалари биргаликда инсон савдосига бағишланган.

2002-2003 йилларда Россияда инсонлар савдосига қарши бир қатор илмий-амалий конференциялар, парламент тингловлари, семинарлар ва кенгашлар ўтказилган. “Инсонлар савдосига қарши кураш тўғрисида” қонун

<sup>25</sup> Human Rights International Instruments. P. 8-9.

<sup>26</sup> Конституция Российской Федерации. Ст. 22.1; 22.2.

<sup>27</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М., 1996. С. 190.

<sup>28</sup> Ўша ерда. С. 197.

<sup>29</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М., 1996. С. 232.

<sup>30</sup> См. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М., 1996.



лойихаси ишлаб чиқилган бўлиб, у россиялик ва хорижлик мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган.

“Инсонлар савдосига қарши кураш тўғрисида”ги федерал қонун лойихаси Давлат Думаси депутати Елена Борисовна Мизулина раҳбарлигида “Инсонлар савдосини олдини олиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари” лойихаси доирасида ташкил этилган идоралараро ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган. Лойиха қонунчилик бўйича қўмита ва Россия Федерацияси Президентининг Марказий федерал округдаги ваколатли вакили Г.С.Полтавченко хузурида фаолият кўрсатувчи Ижтимоий-сиёсий кенгашнинг Аёллар, оила, оналик ва болалик ишлари бўйича Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий мақсадларидан бири одам ёллаш ва инсонлар савдосига қарши кураш соҳасида ҳаракатларнинг ҳуқуқий дастури яратилгунига қадар минимал меъёрларга риоя қилишни таъминлаш зарурлиги ҳисобланади. Шу сабабли қонун лойихасида инсонлар савдоси, эксплуатация, инсонлар савдосининг субъектлари ва объектлари, инсонлар савдосининг шакллари, инсонлар савдоси қурбонининг мақоми ва мазкур муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа тушунчаларни аниқловчи юридик таърифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилган.

Қонун лойихаси 2-моддасининг 14-банди одамлар савдосини мустақил жинойт сифатида киритиб, унинг қўйидаги тушунчасини беради:

«инсонлар савдоси – фойдаланиш мақсадида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари кўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимият ёки қарамлик ҳолатини суистеъмол қилиш ёхуд бир шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки фойда кўринишида уни сотиб олиш йўли билан инсонларни қўлга киритиш, ташиш, бериш, яшириш ёки ёллашдир»<sup>31</sup>.

Қонун лойихаси инсонлар савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатишнинг бир қатор механизмларини, шу жумладан, қўйидагиларни тавсия этади: бошпана (23-модданинг 1(а)-қисми, 24-модда), инсонлар савдоси қурбонларига ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш марказлари (23-модданинг 1 (б)-қисми, 25-модда); хавфсизлик чоралари (28-модда): вақтинчалик яшаш гувоҳномаси (31-модданинг 2-4-қисмлари), дипломатик ваколатхоналарнинг алоҳида мажбуриятлари (29-модда), шунингдек, инсонлар савдоси қурбонлари бўлган болаларни ҳимоя қилиш чоралари (30-модда). Қонун, шунингдек, ёрдам берувчи муассасаларининг мавжуд бўлиши учун асосий шарт, уларнинг етарли даражада молиялаштирилиши деб ҳисобланади ва Россия ҳокимият органларининг давлат бюджетининг муайян қисмини инсонлар савдоси

<sup>31</sup> [http:// usinfo.state.gov/rusски](http://usinfo.state.gov/rusски)

қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш марказлари ва бошпаналарни ташкил этиш ва сақлаш учун ажратиш лозимлиги мажбуриятини назарда тутди (23-модданинг 2-қисми).

7-модда Россия Федерациясининг чет эл давлатлари, уларнинг ҳокимият органлари, шунингдек, инсонлар савдоси ва одам ёллашга қарши курашиш ҳамда жиноят қурбонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бориш мажбуриятини белгилайди. Ҳамкорлик олиб боришнинг мақсади – “инсонлар савдосига қарши курашиш”дир. 2-модда “инсонлар савдосига қарши курашиш”ни “инсонлар савдоси оқибатларини олдини олиш, аниқлаш, тугатиш, камайтириш” бўйича олиб бориладиган фаолият сифатида мустакамлайди. Инсонлар савдосининг олдини олиш ва инсонлар савдоси қурбонлари ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш учун халқаро ҳамкорлик таъқиб қилиш билан чекланмаслиги керак, балки, шунингдек, мол-мулкни конфискация қилиш, инсонлар савдосидан жабрланганларнинг шахсини аниқлаш, инсонлар савдоси қурбонларини қўллаб-қувватлаш ва қайта тиклаш, уларга ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга одамлар савдоси ва ёллашни олдини олиш мақсадида меҳнат мигарцияси дастурларини қамраб олиши керак.

### **Америка Қўшма Штатлари**

АҚШ ҳукуматининг одам савдосига қарши кураш бўйича интилишларида асосан киши ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ётади, одам савдоси қурбонлари қулликка яқиндир ва улар кейинги жароҳатлардан муҳофаза этилишлари керак. Ҳукумат бундайларга уларнинг ихтиёрига кўра адолатли судга мурожаат қилишлари учун самарали йўл, бошпана, тиббий хизмат, юридик ёрдам, ижтимоий-психологик маслаҳатлар учун йўл очиб бериши, ўзларининг туғилган жойларига қайтишлари ёки ўзларининг куч-қувватларини тиклашлари мумкин бўладиган янги жойга кўчиб боришлари ва ҳаётга қайтишларига кўмаклашуви керак. Бундай ёндашув хавфсизликни таъминлашда давлатнинг эҳтиёжлари билан қурбонга нисбатан киши ҳуқуқларини тиклаш юзасидан жамиятнинг эҳтиёжлари ўртасидаги яхши муносабатни таъминлайди. 2000 йилда АҚШда Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақида Қонун қабул қилинди (*Trafficking Victims Act of 2000*). Қўшма Штатлар ўзининг жиноят қонунлари бўйича одам савдосининг барча шаклларини 2000 йилги одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш қонунига мувофиқ равишда қабул қилинган ёки кучайтирилган жиноят қонунлари бўйича таъқиқлайди. Бу Қонун кўрсатилган жиноят бўйича 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини

беришни белгилайдики, бу ўғирлик ва бошқа жиддий жиноятлар учун жазолаш билан тенгдир.<sup>20</sup>

2006 йилида АҚШ Адлия вазирлиги ва прокуратураси Фуқаролик ҳуқуқлари бўлими 168 та жиноий ишни кўриб чиққан бўлиб, 111 шахсга айб кўйган ва 98 та айблов ҳукмларини чиқарган (*шу жумладан олдинги молия йилларида қўзғатилган ишлар бўйича*). Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ одам савдогарлари 20 йилгача озодликдан маҳрум қилинишлари мумкин. 2005 молия йилида одам савдосига боғлиқ жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш ўртача 8,5 йилни ташкил этган (*бошқа йилда жазога ҳукм этилганлар билан биргаликда*).

Адлия вазирлиги Федерал тергов бюроси ва Жиноят бўлими Қўшма Штатларда фоҳишабозлик мақсадларида болаларни эксплуатация қилинишига қарши курашни “Инносенс пост” умуммиллий ташаббуси линияси бўйича давом эттирмоқдалар. 2006 молия йилида бу ташаббус 103 та очиқ терговни олиб боришга, 157 та қамоқ, 76 та айбловни эълон қилиш ва 43 та ҳукм чиқаришга имкон берган.<sup>21</sup>

Штатлардаги ва жойлардаги ҳокимият органлари томонидан одам савдосига қарши кўп ҳажмда ҳуқуқни ҳимоя қилиш тадбирлари ўтказилган. 2006 йилда 27 штат одам савдосига нисбатан жиноий жавобгарлик ҳақида қонунлар қабул қилишди.

Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат вазирлиги одам савдосига қарши кураш оператив гуруҳлар сонини ошириш, барча Қўшма Штатлар миқёсида жамоатчилик билан биргаликда коалициялар тузиб, тадбирлар ўтказишни давом эттирмоқдалар. Адлия вазирлиги 2006 молия йили охирига келиб 42 оператив гуруҳни молиялаштирди, бу тадбир 2005 йилда 32 гуруҳга нисбатан қилинган эди. Бу махсус гуруҳлар штатлар, маҳаллий даражадаги, федерал звенога оид ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини ноҳокимият ташкилотлардаги шериклари билан бирлаштиради.<sup>22</sup>

2006 йилда Меҳнат вазирлигининг Иш ҳақи бўлими одам савдоси потенциал муаммосини очиш мақсадларида терговчиларга ёрдам берадиган ресурсларни ўзлаштиришни бошлаб юборди ва одам савдоси масалаларини терговчиларни тайёрлаш юзасидан ўзининг ўқув режаларига киритди. Ўтган йил давомида бўлим хизматчилари одам савдосига қарши курашиш бўйича

---

<sup>20</sup> Methods and models for victims domestic and trafficking in persons, USAID, 2008. – 67 p.

<sup>21</sup> Европейский Союз на пороге XXI века: выбор стратегии развития / Под ред. Ю.А.Борко и О.Р.Буториной. – М., 2001. – С.226-228.

<sup>22</sup> The cost of coercion, global report under the follow-up the ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work, ILO, 2009. – 78 p.

30 дан ортиқ маҳаллий ведомостлараро махсус гуруҳларда қатнашганлигини қайд этиш лозим.

2007 йилнинг март ойи ҳолатида Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат вазирлиги 2000 йил октябрида Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақида Қонун имзолади. Ўтган давр ичида 77 мамлакатдан бўлган 1175 кишига одам савдоси қурбони сифатидаги статусни тасдиқлади. 2006 йилда вазирлик томонидан кўпгина мамлакатлардан келиб қолган 234 хорижий одам савдоси қурбонларига шундай статус берилган эди. Статусларни тасдиқлаш одам савдоси қурбонларига АҚШ томонидан қочқинларга берилаётган ёрдам каби хизматлар ва нафақалар олиш имконини яратмоқда.

2006 йил апрелида Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат вазирлиги “исталган вақт ва исталган жойда” одам савдоси қурбонларига хизмат кўрсатиш юзасидан ҳар бир киши ҳисобидан хизмат кўрсатишлар ҳақида Шартнома таъсис этган. 2007 йил март ойи ҳолатига кўра, шартнома мамлакат бўйича 93 муассасани одам савдоси қурбонларига ғамхўрлик қилиш юзасидан ижтимоий хизматга жалб қилди.

2006 молия йилида Ички хавфсизлик вазирлиги Қўшма Штатларда аниқланган хорижий одам савдоси қурбонларига 192 та “Т” категорияли визани ва уларнинг қариндошларига ҳам 10 та “Т” категорияли визани берди. “Т” категория – бу одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Қонунга мувофиқ киритилган махсус визавий категория ҳисобланади.

2006 йил давомида Ички хавфсизлик вазирлиги томонидан одам савдоси қурбонларига 729 та виза, уларнинг қариндошларига ҳам 645 та “Т” категорияли визалар берилган.

Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш Қонуни асосида ёрдам чегараларида аҳоли, қочқинлар ва миграция ишлари бўйича давлат департаменти Бюроси одам савдоси қурбонларини қайтариш, реинтеграция, оилалари билан кўшилиш дастурини молиялаштириб келмоқда. 2005 йил бошидан 2007 йил апрелигача ўтган давр ичида Дастур 22 мамлакатдан келиб қолган 67 кишига ёрдам берган. Ёрдам берилганлар ичидан 5 одам савдоси қурбони ўзларининг туғилиб ўсган ватанларига қайтишни афзал билган, 62 таси қариндошлари билан қўшилишган.<sup>23</sup>

Йил давомида профилактик тадбирлар кетма-кет ўтказилган, шу билан бирга Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат вазирлиги “Қутқазинг ва тикланг” компаниясини молиялаштиришни давом эттирган, Ресурслар миллий маркази эса одам савдосига қарши кураш учун инфорацион қизғин линия билан шуғулланган ва 2004 йил феввалида ўз ишини бошлаганидан эътиборан

---

<sup>23</sup> US Department of State, Trafficking in human beings report 2008. – 77 p.

4000 дан ортиқ кўнғироқни қабул қилган. 2006 йил ноябрида Мудофаа вазирлиги бош инспектори Мудофаа вазирлигининг одам савдосини бартараф қилиш юзасидан ҳаракатларига баҳо беришни тугатди ва эълон қилди. Умумий баҳога қараганда Мудофаа вазирлиги комплекс дастурни амалга ошириш юзасидан катта натижаларга эришилганлиги хулоса қилинади.

Саноати ривожланган мамлакатларда мажбурий меҳнат муаммолари асосан одам савдоси ҳақидаги янги қонунчилик чегараларида қаралади. Бу, хусусан, 2000 йилда АҚШда қабул қилинган Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш Қонунига тааллуқлидир. Бу қонунга мувофиқ жиноятларнинг янги турлари фoш қилинади ва батраклик, қулчилик, тобеликда тутқинлик ёки мажбурий меҳнат мақсадларида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни, шунингдек, шундай фаолият билан машғул бўлишга жиноий ҳаракатлари учун жазолаш кучайтирилади. Унда, шунингдек даволаниш учун АҚШда ҳокимиятнинг федерал органлари томонидан молиялаштирилладиган хизматлар ва нафақалардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш кўзда тутилган бўлиб, бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилаётган ва одам савдоси билан шуғулланаётганларни суд тартибида таъқиб қилишга ёрдам бераётган одам савдоси қурбонлари ҳимоясини таъминлашдан иборат. Маълумотларга кўра, янги қонун қабул қилиниши суд таъқиблашларининг секин-аста ортишига олиб келган. 2003 йил март ҳолатида одам савдосига боғлиқ ишлар терговлар сони 2001 йил январига нисбатан қарийб икки барабар ошганлиги кузатилади. 2001 ва 2002 молия йиллари давомида одам савдоси билан боғлиқ ишларни суд томонидан таъқиб қилиниши қонун қабул қилингунича ўтган йилларга қараганда икки мартадан ҳам ортиқ бўлган. Шу билан бирга қаралган ишлар миқдори бу муаммонинг масштабига нисбатан камлигича қолмоқда.

Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун қабул қилиниши одам савдоси учун жазолашлар сонининг, шу жумладан, мажбурий меҳнатга боғлиқликларининг ҳам ортишига олиб келди. 2002 йил ноябрида АҚШ Қўлланмасига шу қонунга мувофиқ равишда жазолашлар кўзда тутилган ҳукмларни чиқариш юзасидан охириги тузатмалар киритилди. 2003 йили янги Қўлланмага мувофиқ қараладиган шундай ҳар бир иш бўйича битта африкалик жафо торган кишини қуллик шароитида тутганлиги учун икки айбланувчи 108 ой қамоқ жазосига ва жафо чекканга тўлиқ маош тўлашга ҳукм қилинди. Адлия департаменти одам савдоси билан боғлиқ фаолиятни тегишлича тергов қилиш ва суд таъқибига олишни таъминлаш мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари хизматчиларини федерал ва маҳаллий даражада интенсив тайёрлашни очикчасига, бошқа, хорижий кишиларни ноқонуний равишда келтириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик кўринишида деб расман тан олмоқда.

Прокуратура ходимлари ҳам Калифорния, Колорадо, Флорида каби штатларда, шунингдек, Нью-Йоркда одам савдосига қарши кураш бўйича регионал махсус гуруҳларини ташкил қилишга йўналган ишларга ёрдам бермоқдалар.

### Таиланд Қироллиги

Халқаро миқёсда одам ёллашга энг кучли даражада жалб этилган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Таиланд – кўшни Мьянма, Хитой, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби мамлакатлардан йўналтирилган инсонлар савдосининг кўп сонли оқимларини қабул қилувчи манзил мамлакат, шунингдек, Гонгконг, Тайвань и Малайзияга йўл олган инсонлар савдоси оқимлари учун транзит пункти вазифасини бажарувчи ҳудуд ҳисобланади.<sup>33</sup>

Таиланда фоҳишабозликдан олинган йиллик фойда 22-27 миллиард долларни ташкил этади.

Таиланд ҳудудида “Аёллар савдосига қарши Бутунжаҳон Альянси” (АСҚБА) фаолият кўрсатади, у нафақат Таиланда, балки шунингдек Жанубий Осиёнинг бутун ҳудудида инсонлар савдосига қарши кураш бўйича катта кучгайрат сарфламоқда.

Таиланд Аёлларга қарши камситилишнинг барча шакллари тугатиш бўйича Конвенцияни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган, бироқ куллик тўғрисидаги Конвенцияни ва Инсонлар савдосини ва учинчи шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланишини таъқиб қилиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилмаган.<sup>34</sup>

1997 йил ноябрда **Жазолар тўғрисидаги Таиланд Кодексига** инсонлар савдоси ва одам ёллашга алоқадор қуйидаги тузатишлар киритилган ва шу билан 1997 йилда Таиланд одам ёлловчиларини таъқиб қилиш ва жазолаш масалаларини ҳал этишга хизмат қилувчи жиноий-ҳуқуқий воситани қўлга киритди. Айтиш лозимки, юқорида санаб ўтилган нормалар диспозицияларига ҳам одам ёллашга, ҳам инсон савдоси актига айнан тўла таъриф бериш учун зарур бўлган вояга етган шахсга нисбатан мажбурлаш, алдов, кўрқитиш каби усулларни қўллашдек квалификацияловчи белгилар киритилган. Жиноят 18 ёшга етмаган шахсга нисбатан содир этилганда бундай белгиларнинг ҳуқуққа мос равишда талаб қилинмаслиги тўғри бўлади.

Бизнинг фикримизча, ушбу қонуннинг камчилиги шунда кўринадики, у асосан одам ёллашга қарши қаратилганлиги билан ажралиб туради, ваҳоланки инсонлар савдосига келганда фақат фоҳишабозликка мажбурлаш мақсадларида содир этилиши (*“шаҳвоний мақсадларда шармандали фойдаланиши”*) инобатга

<sup>33</sup> Roujanavong W. Thai Laws on Prostitution and Trafficking // GAATW Newsletter.

<sup>34</sup> Human Rights International Instruments. P. 8-9.

олингани ҳолда ёлловчиларда мақсадлар бутунлай бошқача ҳам бўлиши мумкинлиги, масалан, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи инсонлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш тўғрисидаги Протоколнинг 3-моддасида кўрсатилган мақсадларни эътиборга олмайди<sup>35</sup>.

Эҳтимол, муаммога бундай бир томонлама ёндошув 1996 йилда Таиландда **“Фoҳишабозликни йўқотиш ва таъқиб этиш тўғрисида”** ги қонуннинг қабул қилиниши билан изоҳланади.

Бу қонунга кўра фoҳишабозлик қонундан ташқарида, ихтиёрий фoҳишабозлик жазоланиши лозим, бироқ қонун техник жиҳатдан фoҳишабозлик актининг ўзини жиноят деб белгиламайди.

1928 йилги эскириб қолган “Аёллар ва қизлар савдоси тўғрисида»ги қонун ўрнига 1997 йил ноябрда Таиландда **“Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш ва таъқиб қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди.

Янги қонун фақат аёл жинсидаги болалар ҳимоясини назарда тутган эски қонундан фарқ қилган ҳолда иккала жинсга мансуб болаларни ҳимоя қилади. Мазкур қонун Инсонлар савдоси ва одам ёллашга қарши курашишга оид юқорида саналган Таиланд қонунларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Қонун инсондан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни ёллашга қаратилган қасдни бундай ҳатти-ҳаракатни режалаштириш ва тайёрлаш билан боғлиқ барча шахсларни таъқиб қилиш ва ҳибсга олиш учун асос бўлувчи жиноят деб ҳисоблайди. Бундай жиноятнинг содир этилишига кўмак берган ёки жиноятчиларни рағбатлантирган шахс мазкур жиноятни содир этган шахсдек жазоланиши даркор.

Одам ёллашни ҳам назарда тутган ҳолда инсонлар савдоси учун жазо етарли даражада оғир бўлиб, 1 йилдан 20 йилгача қамоқ жазоси, умрбод қамоқ ва ҳатто ўлим жазоси назарда тутилган.

Қонун инсонлар савдосига қарши кураш олиб бориш билан шуғулланувчи органларда ишловчи давлат мансабдор шахсларига анча кенг ваколатларни беради. Хусусан, қонун мансабдор шахсларга тахмин этилаётган одам ёллаш ёки инсонлар савдосининг қурбонини сўроқ учун 30 минутдан то 10 суткага қадар ушлаб туришга имкон беради. Бу чора инсонлар савдоси жараёнини узиб қўйиш учун назарда тутилган. Мансабдор шахслар, шунингдек, инсонлар савдосини бартараф этиш ва таъқиб қилиш ҳамда бундай савдо

---

<sup>35</sup> Ёллашнинг бошқа мақсадлари, хусусан, Баённоманинг 3-моддасига мувофиқ, “мажбурий меҳнат ёки хизматлар, куллик ёки кулликка ўхшаш урф-одатлар, тутқунлик ҳолати ёки аъзоларни ажратиб олиш” ни камраб олиши мумкин».

қурбонларига ёрдам бериш мақсадида тинтув ўтказишга, кўчиб юриш воситасини тинтишга ваколатлидирлар.

Қонунга кўра, суд органларига жиноятчилардан қоча олган қурбондан зудлик билан кўрғазмалар олиш ваколоти берилган.<sup>36</sup>

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб Таиланд Қироллиги инсонлар савдоси ва ёллашга қарши курашишга оид етарли даражада ривожланган қонунчилик тизимига эга. Бироқ, юқорида кўрсатиб ўтилган бу қонунларга хос баъзи камчиликлар ва жиҳатлар ушбу жинойий фаолият тури билан курашни самарали олиб боришга имкон бермайди.

### **Ўзбекистон Республикаси**

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Араб Амирликларига, Исроил, Жанубий Корея, Россия, Туркияга аёлларни жинсий эксплуатация қилишга етказиб берувчи давлатлардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё ва Хитой давлатларидан Ўзбекистон чегараси орқали инон савдоси қурбонлари олиб ўтилади. Эркақлар асосан мажбурий меҳнатга ёлланиб, Украина, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига сотиб юборилади.

Ўзбекистон Ҳукуматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти 2006 йилга келиб яхшиланди. 2006 йилнинг ўзида 148 та иш кўзғатилган ва ҳаммаси 10 йилдан кам бўлмаган муддатга қамоқ жазоси билан жазоланган.

2005 йилда Халқаро миграция ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган инсон савдосини бартараф этиш бўйича халқаро конференцияда қатнашиб, муаммолар ечимини бир қадар белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси ноҳукуматлараро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиб, инсон савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиб келмоқда. Лекин шунга қарамасдан муаммолар бир талай. Мисол учун, 2006 йилнинг йиллик ҳисоботига қаралганда, инсон савдоси билан шуғулланувчи 2 та ноҳукуматлараро ташкилотлар ўз фаолиятини тамомлаган.

Лекин шунга қарамасдан Инсон савдоси қурбонлари учун махсус турар жой уйи ташкил қилинди. 2005 йилда бу махсус турар жой уйига 313 та қурбонлар жойлаштирилган. 2006 йилга келиб, бу қурбонлар сони 675 тага етди.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига инсон савдосининг оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар кўрсатилиб келинмоқда. Ўзбекистон бевосита Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб, муносабатларини мустаҳкамлаб келмоқда.

---

<sup>36</sup> Roujanavong W. Op. Cit.



## **Миграция жараёнларига таъсир этишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари**

Кўпчилик мамлакатлар ўз ташқи савдоларини эркинлаштириш йўлидан бораётган бўлсаларда, амалда уларнинг барчаси ҳам халқаро миграцияни чекловчи чоралар кўрмоқда. Миграция ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирса-да, бироқ, бир қатор салбий таъсирлари ҳам мавжуд. Улардан бири иммигрантлар туфайли ривожланган мамлакатлар бюджетига анча оғирлик тушишидир, чунки бу мамлакатлар иммигрантларни қувватлаш учун ёки депортация (чиқариб юбориш) учунми, барибир анча харажатга тушадилар. Амалда барча мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиёти учун фақат керакли ходимларни танлаб олиш мақсадида аҳолининг меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда ривожланган мамлакатларда махсус давлат органлари ташкил этилган бўлиб, улар аҳолининг меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳуқуқий, амалий механизмларини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Иш кучи халқаро ҳаракатланишига давлатнинг аралашуви анча илгаридан маълум. Масалан, Англияда XVIII аср охирида саноат ишчиларининг чет элларга иммиграциясини таъқиқловчи қонунлар чиқарилган. XIX асрда кўпгина Европа мамлакатларида номақбул шахсларнинг киришини таъқиқловчи қонунлар қабул қилинган, бу каби миграцияни тартибга солувчи икки томонлама Конвенцияларнинг бир қисми ҳозирга қадар ҳам амал қилмоқда. Иммиграцияни тартибга солишнинг муҳим йўлларида бири, бу икки ёки кўп томонлама халқаро битимларнинг тузилишидир. Уларнинг асосий мақсади меҳнат миграцияси жараёнларига миқдорий чеклашлар киритишдир. Кўп томонлама битимлар Ғарбий Европада кенг тарқалган. Жумладан, ягона иммиграцион сиёсат юритиш доирасида 1991 йил январдаги Вена конференциясида собиқ СССР мамлакатларидан бўладиган иммиграцияни барқарорлаштириш мақсадида биргаликдаги коммюнике қабул қилинган.

Кўпчилик қабул қилувчи мамлакатлар иммиграцияга саралаш усулида ёндашиб қонунлар чиқарадилар, яъни улар фақат ўз мамлакати учун зарур ходимлар категориясига рухсат бериб, қолганларни рад этадилар. Одатда қуйидаги тоифа иммигрантларга эҳтиёж мавжуд бўлади:

- кам иш ҳақи эвазига оғир, зарарли, ифлос ва малакасиз ишни бажаришга рози бўлувчилар, булар қурилиш, ёрдамчи хўжалик, мавсумий, шахта, шахар ободончилиги каби соҳа ишчилари;

- янги ва истиқболли соҳалар мутахассислари дастур-ловчилар, тор мутахассисликдаги муҳандислар, банк ходимлари;

- ноёб касб вакиллари олмосга ишлов берувчилар, расмларни таъмирловчилар, халқ табobati врачлари;

- номзод мутахассислар музикачилар, артистлар, олимлар, спортчилар, врачлар, ёзувчилар;

- капитал киритувчи, янги иш ўринлари яратувчи йирик бизнесменлар.

Иммигрантларни танлашга турлича талаблар қўйилади. Масалан, АҚШда иммигрантларнинг минимал билим даражаси Америкадаги 12 йиллик мактаб

даражасига мос келиши керак, гиёҳвандлар ва рухий касаллар қўйилмайди, иммигрантнинг соғлиғи сертификатланган тиббий муассаса маълумотномаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Иқтисодий мезонлар ҳам жуда қаттиқ, АҚШ иқтисодиётига 500 минг доллардан кўп сармоя қўя олувчи кишиларга 10 мингта виза ажратилади, бироқ бу ҳам уларнинг АҚШда яшаб қолишига кафолат бўлолмайди, масалан 1993 йилда шу хилдаги 225 та аризачидан 140 тасига рад жавоби берилган. Барча қабул қилувчи мамлакатларда касбий малакага катта эътибор берилади, одатда камида мутахассислик дипломи, ўрта мактабни битирганлик ҳужжати ва 3-5 йиллик иш стажи талаб этилади.

### **Ноқонуний миграцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари**

Ҳозирда ноқонуний миграция муаммоси жаҳон ҳамжамияти олдида жуда кескин муаммога айланмоқда. Яқин вақтларгача ушбу муаммо бу қадар жиддий характерга эга бўлмаган. Бу асосан ўта қаттиқ ҳуқуқий, диний, ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ бўлиб, ўтган замонларда кишилар ўз турмуш шароитларидан қатъий назар маълум бир мамлакатга тегишли эканлик-ларини жуда юқори баҳолаганлар ва ўз мамлакатига содиқ қолганлар.

Турли давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг кучайиб бориши билан аҳолининг камроқ ривожланган мамлакатдан кўпроқ ривожланган мамлакатга интилишлари ҳам кучайиб борди. Кимлар доимий яшаш, кимлар оиласини боқишга даромад топиш учун чет элларга кета бошладилар. Оқибатда шундай вазият юзага келдики, қабул қилувчи давлатлар янги мигрантлар келишини хохламай қолдилар ва шу тариқа ноқонуний миграцияга қарши кураш муаммоси кун тартибига чиқди. Миграция муаммоси бугунги кунда ҳар бир давлатнинг бугуни ва келажагини белгиловчи биринчи даражали вазифалиги билан аҳамият касб этмоқда. Кўпчилик муаллифлар “миграция” атамаси таърифига деярли бир хилда ёндашадилар. “Миграция” дейилганда кўчиш, ўрин алмаштириш тушунчалари ифодаланиши ҳақида юқорида фикр билдириб ўтдик. Тадқиқот ишимизда эса, айнан кишилар гуруҳининг миграцияси тўғрисида сўз юритамиз.

Миграция ўз хусусиятига кўра ташқи (*мамлакатдан чиқиб кетиши*), ички (*бир мамлакат доирасида*), қайтиб келмайдиган (*ўз яшаш жойини узил-кесил ўзгартириши*), вақтинча (*анча узоқ муддатга кўчиб бориши*), маятниксимон (*қатъий белгиланган жойларга доимий бориб келиши*) кўринишларида намоён бўлади. Амалиётда асосий эътибор миграциянинг қонуний ва ноқонуний турларига қаратилади.

Қонуний миграция – бу ҳуқуқ меъёрларини бузмаган ҳолда кишиларнинг кўчишлари, яшаш жойларини ўзгартиришларидир. Бу кўпроқ ички миграцияда амал қиладиган ўзгаришлардир. Демократик давлатларда ҳар бир фуқаро давлат органлари мансабдор шахслар, юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилигисиз эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлашдан иборат Конституцион ҳуқуққа эга. Бироқ, бу қоида айрим ҳолларда ва айрим

мамлакатларда айрим чекланишларга эга. Масалан, Корея Халқ Демократик Республикасида аҳолининг мамлакат ичкарасида эркин ҳаракатланиши чекланган. Ташқи миграциянинг қонуний бўлиш шарти-кишилари бир мамлакатдан бошқасига кўчишларида халқаро ва давлатнинг ички ҳуқуқ меъёрларининг бузилмаслигидир деб белгиланганини кўриш мумкин. Қонуний миграция ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, бирорта ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда унинг таърифи берилмаган. Аммо, ноқонуний миграция тушунчаси бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган, бироқ халқаро даражадаги бундай ҳужжатлар унчалик кўп эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан аввало БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини тўлдирувчи ҳужжат ҳисобланувчи “Мигрантларни куруқликда, денгизда ва ҳавода ноқонуний ташишга қарши” Баённомасини кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳужжатда “ноқонуний кириш” ва “мигрантларни ноқонуний ташиш” каби тушунчалар мустаҳкамланган. Ушбу Баённомага кўра “қабул қилувчи давлатга қонуний кириш учун зарурий талабларга амал қилмасдан давлат чегараларини кесиб ўтиш” “ноқонуний кириш” ҳисобланади, бирор-бир давлатга унинг фуқароси бўлмаган ёки унинг ҳудудида доимий яшамайдиган ҳар қандай шахснинг бевосита ёки бавосита қандайдир молиявий ёки бошқа моддий фойда олиш мақсадида ноқонуний киришини таъминлаш “мигрантларни ноқонуний ташиш” деб қаралади.

Яна бир ҳужжат, бу МДҲга аъзо давлатларнинг 1998 йил 6 мартда қабул қилинган “Ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги келишув”дир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда “Томонларнинг ҳудудлари орқали кириш, чиқиш, бўлиб туриш ёки транзит ўтиш қоидаларини бузган учинчи мамлакат фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, томонлардан бирининг ҳудудида унинг миллий қонунчилигида ўрнатилган бўлиб туриш қоидаларини бузган фуқаролар” ноқонуний мигрантлар ҳисобланади. Ноқонуний миграциянинг сабаблари турли-туман бўлиб, улар асосан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий характерга эга. Кўпчилик мамлакатлардаги иқтисодий қалоклик сабабли улардаги одамларнинг анча қисми яшаш учун қулай мамлакатларга томон интиладилар. Шунингдек, кейинги йилларда бир қатор мамлакатлардаги сиёсий беқарорликлар ушбу жараёни тобора авж олишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда ноқонуний миграцияга қарши курашни ҳуқуқий тартибга солиш халқаро ва миллий даражаларда қаралади. Миллий даражада давлатлар ушбу масалаларни ўзларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилигида кўриб чиқадилар. Халқаро даража ўз навбатида халқаро универсал даражага ва халқаро минтақавий даражага бўлинади. Мигрантларни ноқонуний ташишга қарши Баённоманинг кириш қисмида “тегишли ҳолатларда минтақаларо, минтақавий ва минтақа ички механизмларига миграция ва ривожланиш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқиш билан шуғулланишни давом эттириш” тавсия қилинади. Ноқонуний миграцияга қарши туриш механизмларини халқаро универсал даражада БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Қуруқликда,

денгизда ва ҳавода мигрантларни ноқонуний ташишга қарши” Бённомаси ва “Миграция соҳасидаги суистеъмолчиликлар ва меҳнаткаш-мигрантларнинг имкониятлари ва муомала имкониятларини таъминлаш тўғрисида”ги Халқаро меҳнат ташкилотининг 1975 йил 4 июлда қабул қилган 143 Конвенцияси томонидан тартибга солинади. Халқаро минтақавий даражада ҳуқуқий ҳужжатлардан “Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг ноқонуний миграцияга қарши курашда Ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Келишувни (1998 йил март) кўрсатиш мумкин. Шунингдек, айрим халқаро шартномалар ҳам мавжуд бўлса-да, ушбу соҳа ҳали етарлича тартибга солинган эмас.

Ноқонуний миграцияга қарши курашиш чораларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) огоҳлантириш бўйича чоралар;
- 2) олдини олиш бўйича чоралар;
- 3) айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чоралар.

Биринчи гуруҳдаги чоралар ноқонуний миграцияга аввал бошданок қарши турувчи шароитларни таъминлашни характерлайди. Масалан, Баённоманинг 15-моддасига биноан давлатлар аҳоли томонидан ноқонуний миграциянинг салбий жиҳатларини чуқур тушуниб етишларига йўналтирилган ахборот дастурларини яратишлари ва ўтказишлари лозим. Давлатлар “мигрантларнинг уюшган жиноий гуруҳлар қурбонига айланишларини огоҳлантириш мақсадидаги ахборотлар соҳасида ҳамкорлик қилишлари” зарур. Ноқонуний миграцияга қарши курашнинг иккинчи гуруҳдаги тадбирларига давлат органларининг ушбу ҳодисанинг олдини олишдаги ҳаракатлари киради. Масалан, бундай ҳаракатларга чегара назорати (*Баённоманинг 11-моддаси*), сохталаштиришдан сақланиш учун ҳужжатларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаш (*Баённоманинг 12-моддаси*), ахборотлар алмашлаш (*Баённоманинг 10-моддаси*) кабилар киради. Учинчи гуруҳдаги чоралар айбдор шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш масалаларига қаратилган бўлиб, мигрантларни ноқонуний ташишни таъминлаган уюшган жиноий гуруҳ аъзоларини ҳам, шунингдек, ноқонуний мигрантларнинг ўзларини ҳам жавобгарликка тортишни назарда тутди. Баённомага кўра уюшган жиноий гуруҳ аъзолари жиноий жавобгарликка тортилади. Айрим мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида мигрантларни чегара орқали ноқонуний ўтказишни ташкиллаштириш жиноят сифатида қаралади. Бироқ, Баённоманинг 5-моддасига кўра ноқонуний мигрантларни жиноятчи сифатида таъқиб этиш назарда тутилмаган. Кўпчилик мамлакатлар қонунчилигида ноқонуний мигрантларни маъмурий тартибда жазолаш белгиланган. Чунки улар кўп ҳолларда ўзларининг ноқонуний ҳолда чегарадан ўтишни билади ва шу сабабли жавобгар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисмининг 223-моддасида “Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш”, 224-моддасида “Ўзбекистон

Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш” каби ҳолатлар ҳуқуқий асослари кафолатлаб берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.<sup>24</sup>

Уюшган жинойт гуруҳ аъзоларини ва ноқонуний мигрантларни жавобгарликка тортиш, агарда халқаро шартномаларда алоҳида белгиланганмаган бўлса, кирилган мамлакат қонунчилиги бўйича амалга оширилади. Агарда давлат чегараларини ноқонуний кесиб ўтиш МДХ доирасида юз берган бўлса, МДХга аъзо мамлакатларнинг 1998 йил 6 мартдаги “Ноқонуний миграцияга қарши кураш тўғрисида”ги келишувнинг 5-моддаси қўлланилади. Унда “томонлардан бирининг ҳудудида аниқланган ноқонуний мигрантлар кириб келган мамлакатлари қонунчилиги асосида ўзлари чиқиб келган мамлакатга депортация қилинади, агарда халқаро қонунчиликда бошқача кўрсатилмаган бўлса”, дейилади. Ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасидаги марказий масала ноқонуний мигрантни ўз ватанига, чиқиб келган мамлакатига қайтаришдир.

Кўпинча қочоқларни ёки мажбуран кўчаётганларни ноқонуний мигрантдан фарқлаш қийинлиги муаммоси пайдо бўлади. “Иқтисодий мигрант” тушунчаси пайдо бўлиши билан ушбу ҳолат жиддий маъмурий муаммога қўшилиб кетмоқда. Кўпчилик мигрантлар фаровон мамлакатга ўтиш учун қочоқ мақомини олишга интилиб ҳақиқий сабаб бўлган иқтисодий жиҳатларни яширадилар. Бунинг оқибатида қочоқ мақомини олиш тартиби янада мураккаблашади. Сиёсий қарашлари, миллати, ирқи масалаларида таъқиб қурбонига айланиш мумкинлиги бўйича объектив ва субъектив элементлар мавжудлигини асослаш асосида қочоқ мақомини олиш ҳар кимга ҳам тўғри келавермайди. Қочоқлар ҳам кўп ҳолларда, ноқонуний мигрантлар каби сиёсий ва иқтисодий беқарор, нотинч мамлакатлардан чиқадилар.

Кейинги вақтларда ноқонуний миграцияга қарши туриш соҳасида анчагина ижобий қадамлар қўйилди. Халқаро ва миллий даражада ушбу муаммони ҳал этишнинг умумий қоидалари-тамойиллари ўрнатилди. Ҳозирда ноқонуний миграцияга қарши асосан мигрантлар кириб келувчи давлатлар жиддий шуғулланмоқдалар, мигрантлар чиқиб кетувчи давлатлар эса бундай муаммодан узокроқда турадилар. Шу сабабли, давлатлараро узвий ҳамкорликни кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда, бошқа давлатларга чиқиб кетувчилар хавфсизлиги таъминланмайди, соғликлари тиббий суғурта қилинмайди, натижада, турли касалликлар билан касалланиб ўз давлатига қайтгач, бу ердагиларни ҳам ташвишга қўйиш ҳоллари учрамоқда.

Миграция ҳар бир даврда турлича аҳамият касб этган, у баъзи жамиятларда муаммолар туғдирса, баъзиларида ижобий самара берган. Масалан, XIX асрда Россияни иқтисодий таназзулдан асраб қолган уч омилдан бири аҳолининг оммавий миграцияси эди. Япониянинг ривожланишига ҳам четга чиқиб кетган фуқароларининг катта ҳаётий тажриба, мол-мулк ва қимматбаҳо бойликлар билан қайтиши маълум маънода сабаб бўлган. Ташқи ишчи кучи миграцияси халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим бўлиб, аввало

<sup>24</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм.– Тошкент: ILM ZIYO, 2006. – Б-589, Б-595.

ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлар сонининг қисқариши, хорижий мамлакатлар-дан валюта келишини таъминланишида хизмат қилади. Тарихий манбаларга кўра, “Яшаш учун қулай жой қидириш” миграция жараёни Япония тарихида ҳам кўп бўлган. Аммо қадимда ва яқин юз йилликларда ҳам миграция бизнинг давримиздагидек салмоқли аҳамият касб этмаган.

Миграция бугунги кунда умумбашарий маданиятларнинг истиқболига салбий таъдид солаётир. Маданиятлар тўқнашуви юзага келишига сабаб бўлмоқда. Унинг тилга, миллий маданиятга миллат ва миллий ғурурга таъсир ўтказиши ҳам сир бўлмай қолмоқда. Мигрантлар қабул қилаётган барча давлатларда ҳам мигрант учун ҳуқуқий кафолатлар жорий қилинмаётганлиги туфайли, кўпгина ноқонуний ҳолатларга дуч келинмоқда. Бироқ мигрантларни қабул қилиш масаласи қонун орқали бажарилса, бу ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам қонун билан ҳимоя қилинса, бу каби ноқонуний ҳодисалар юз бермайди. Мамлакатимизда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорликнинг ўсиб бораётган кўламларини, Ўзбекистон фуқароларининг ишга жойлаштириш учун иш ўринлари бериш хоҳишини билдирган мамлакатлар ва чет эл компаниялари сони кўпайганлиги сабабли республика фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизими ва унинг механизмини тартибга солиш, фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини ривожлантиришга оид ҳаракатлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатлардан бири Францияда қурилишда банд бўлган шахсларнинг 25 фоизини, автомобил саноатида банд бўлганларнинг 1/3 қисмини эмигрантлар ташкил қилади. Швецарияда эса, қурилишда банд бўлганларнинг 40 фоизини, Бельгияда шахтёрларнинг ярмини эмигрантлар ташкил этади<sup>25</sup>.

1990 йил 18 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган “Меҳнаткаш мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция меҳнат миграциясига баъзи бир тушунчалар ва янгиликлар киритди. Аммо, ушбу 1990 йилги БМТ Конвенцияси етарлича давлатлар томонидан ратификация қилинмаганлиги боис кучга кирмади.

Халқаро Миграция Ташкилоти (*ХМТ*) биринчилардан бўлиб инсонлар траффиги муаммоларига бағишлаб халқаро миқёсда анжуман ўтказишга эришди. Ҳозирги кунда Халқаро Миграция Ташкилоти траффик тизимига оид ўтгиздан ортиқ лойиҳаларни бутун дунё бўйлаб амалга ошириб келмоқда. Шундай бўлишига қарамай, дунёда аёллар савдоси катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Дунё бўйлаб инсонлар савдоси тобора ривожланиб, сўнгги

---

<sup>25</sup> Қаранг: Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. – Москва, 1999. – С.458.

ўттиз йил мобайнида Осиё давлатларидан шахвоний мақсадларда ва қулликка сотилганлар сони 30 миллиондан ошиб бормоқда<sup>26</sup>.

БМТ маълумотларига қараганда, аёллардан товар сифатида фойдаланиш натижасида дунё бўйича йилига 12 миллиард доллар фойда кўрилар экан. Маълумотларга кўра, дунёда жами 30 миллиондан 200 миллионгача киши қуллик ҳолатида эканлиги айтилади. Хавфли томони, бу одам савдоси қурбонларининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этишидир. Одам савдоси жабрдийдаларининг асосий хатоси улар мавжуд қонунларни билмаслиги ёки уларга амал қилмасликларидадир.

Чет элга ноқонуний равишда чиқиб кетаётган шахслар ҳеч қандай ҳуқуқларга ёки давлат ҳимоясига даъво қила олмайди. Хорижий мамлакатларда ишга жойлашиш учун меҳнат шартномасига эга бўлиш лозим<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида одам сотиш жинояти Жиноят Кодексининг 135-моддасида тавсифланган. Ушбу моддага кўра, одамларни чет элга олиб бориб сотиш жиноятини содир этган шахслар 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Аммо, тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда одамлар савдоси жабрланувчилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ўз вақтида мурожаат қилмаётганлиги билан изоҳланади. Натижада, бу турдаги жиноятчилар жинойий жазодан қутулиб қолишмоқда. Турли алдовлар йўли билан хорижга чиқиб кетган, конституциявий ҳуқуқи поймол этилган фуқаролар ўша давлатдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ёки Консуллик бўлимига, бундай идора бўлмаган тақдирда, қўшни давлатда мавжуд бўлган мамлакатимиз ваколатхонасига мурожаат қилиши зарур. Шундагина, жабрланувчининг шахсига оид ҳужжатлар ички ишлар идоралари томонидан тўпланиб, Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ўша давлат полицияси билан музокараларга киришади. Ушбу хайрли саъй-ҳаракатлар йўлида давлат идоралари билан биргаликда республика-мизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ҳиссалари юқори деб ҳисоблаймиз. Чунки, одам савдоси (траффи) жиноятчилиги билан курашишда нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари балки, кенг жамоатчилик фаоллигига алоҳида таянади Бу борада “Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази фаолиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Мазкур ташкилотнинг ҳар бир вилоятда филиали мавжуд бўлиб, ташкилот инсонлар савдоси қурбонига айланиб қолганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишларни олиб бормоқда.

Одам савдоси (траффи) жиноятининг олдини олишда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ҳамда уни халқаро ҳуқуқ андозаларига мослаштириш билан эришиш мумкин.

<sup>26</sup> Қаранг: Ҳамраева Ш.Х. Аёллар траффи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро ҳуқуқий муаммолари. – Тошкент: Фан, 2005.

<sup>27</sup> Қаранг: Бугаев Ф. // «Одам савдоси», Ҳуқуқ ва бурч. №3, 2006 йил.

## Сўнги сўз

Инсон қадри азиз, шаъни, ор-номуси дахлсиздир. Динимиз инсон қадрини эъзозлайди, кишиларни хўрлаш, қул қилишдан қатъий қайтаради. Динимизга кўра, ирки, насаби, миллати, бойлиги, мансаби ва жамиятдаги ўрнидан қатъий назар, барча инсонлар тенг ва хурдир. Ислом динида қулчилик, одам савдоси қаттиқ қораланади. Қул озод қилишни фазилат сифатида ибодат даражасига кўтаради. Аллоҳ таолонинг амри мусулмонлар йўл қўйган турли хато, камчилик ва гуноҳлар эвазига бир ёки ундан кўп қул озод этиш вазифаси жорий этилди.

Минг афсуски, ҳозирги кунимизда озгина мол-дунёга берилиб, ўз юртдошларини, маҳалладошларини алдаб, сотиб юбораётган инсонлар ҳақида эшитяпмиз. Бу ҳам айни жоҳилликдир. Бундай кимсаларнинг нопок қилмишлари боис ўзга юртларда азоб чекаётганлар оз эмас.

Қаерда бўлмайлик, одам савдоси соғлом жамиятга жиддий хавф солиши, халқимиз, миллатимизга ёт, динимизга зид иш эканини ҳаётий мисоллар ва ишончли далиллар асосида кишилар онгига сингдиришимиз зарур. Зора қабих ишларни қилаётган кимсалар бу жирканчликдан қўлларини тортиб, Аллоҳ таолога чин тавба-тазарру қилишса. Очиқ кўнгил юртдошларимизга, катта ҳаёт остонасида турган ёшларга эса “Қадрингизни билинг, илм ва ҳунар ўрганинг”, деймиз. Ҳақиқатни билган, қалби уйғоқ киши нафсини жиловлай олади.

Одам савдоси – давр муаммоси. Уни таг-томири билан йўқ қилишга қодирмиз. “Менга нима”, қабилида иш кўрмай қизини хорижга жўнаётганларни бўй йўлдан қайтарсак, ўзга юртларга отланган маҳалладошларимизни ўйлашга чорласак, ватандошларини ўзгаларга қул қилиб сотаётган кишиларнинг виждонини уйғотсак, бу муаммо аста-секинлик билан бўлса-да, якун топади.

Инсон ва унинг ҳаёти қадимдан инсониятнинг диққат марказида турган асосий масала бўлиб келган. Барча қулайликлар ҳам аслида инсон манфаатини кўзлаб яратилган. Бироқ ХХI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишабозлик муаммолари, миссионерлар найранглари шундай иллатлар жумласидандир. Тез ва осон йўллар билан бойлик орттиришга интилган, мол-давлатга ҳирс қўйган кимса ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади ва охир – оқибат жиноят содир этади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади инсон омили, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Яъни ислохот – ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти такрорланмас ва ўзига хос кўринишига эга. Кишига бир маротаба ҳаёт кечириш имконияти берилади. Бу ҳаётни



кадрлаш муҳим маънавий қадриятлардан ҳисобланади. Аммо сўнгги пайтларда шахслар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ўзаро тил бириктириб жиноий гуруҳлар тузмокдалар. Бундай кимсалар одамларни алдаб олиб бориб, улардан шахвоний ва бошқа жиноий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ одам савдоси жиноятларини содир этишмоқда. Бунинг натижасида айрим фуқароларимиз бегона юртларида алданиб, эркидан маҳрум бўлиб, сарсон-саргардонликда қолиб кетишмоқда.

Хавфсизлигимизга таҳдид солаётган терроризм, одам савдоси ва бошқа трансмиллий жиноятларга қарши муросасиз курашишимиз, доимо огоҳ ва хушёр бўлишимиз лозим. Мустақил Ўзбекистонимизда одам савдоси жиноятларига қарши кураш ва фуқароларимизни ушбу жиноятлардан жабр кўришларининг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти бўлиб, уни содир этиш оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадилар. Яъни одамлар сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш учун объект бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар жонсиз буюмларга тенглаштириладилар. Жабрланувчилар асосан ўз юртида бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади.

Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Одам савдоси жиноятлари мажбурий меҳнат, шахвоний хизматларга мажбурлаш учун уларни одамларнинг раҳмини келтирадиган даражада сунъий мажруҳ қилиш, мажбурий никоҳ ва репродуктив вазифалар эксплуатацияси (*сунъий оналик, мажбурий бола туғиш*) каби кўринишларда намоён бўлади. Фуқароларимизнинг ишонувчанлиги, ўз ҳуқуқларини тўлиқ билмаслиги, тез ва осон йўллар билан бойиб кетиш истагининг кучлилиги, гиёҳвандликка ружу қўйиши, оиладаги салбий муҳит, ота-оналар томонидан фарзандларга берилаётган тарбиянинг етарли эмаслиги, назоратсизлик, ахлоқсизлик ҳамда уюшган жиноий гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш оқибатида ушбу жиноятлар содир этилмоқда.

Одам савдоси билан шуғулланувчилар учун ушбу жиноят қурол-яроғ ёки гиёҳвандлик воситалари савдосига нисбатан анча сердаромад ва хавфсиз

ҳисобланади. Трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бўлган одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятлар, бугунги куннинг энг долзаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, бундай жиноий гуруҳ аъзолари “сайёҳлик” ва бошқа никоҳлар остида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, асосан хотин-қизларни шахвоний хизмат кўрсатиш, эркакларни мажбурий меҳнат учун қул қилиб сотиб юбориш эвазига катта миқдорда моддий даромад олишга ҳаракат қиладилар.

Одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш, чет элларда сабабсиз узоқ муддат яшаб, ноқонуний фаолият, фоҳишалик ва кўшмачилик билан шуғулланган фуқароларни, аёл ва қизларни ёллаб, фоҳишалик билан шуғулланиш учун чет элга олиб кетаётган ва бошқа турдаги одам савдоси жиноятини содир этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Асримизнинг ушбу жирканч иллатига қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш, тарғибот ишларини янада кенг кўламда олиб бориш зарур. Ана шундагина одам савдоси жинояти юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёза олмайди ва халқимиз ундан жабр кўрмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, одам савдосига қарши курашиш бугунги кунда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, балки мамлакатимизда яшаётган ўзининг юртига, халқига, оиласига ва яқинларининг ҳаёти ҳамда келажагига бефарқ бўлмаган барча фуқароларнинг олдида турган масъулиятли вазифадир. Ушбу иллатга қарши курашиш учун фуқаролар доимо хушёр бўлиши лозим. Зеро, хушёрлик ва огоҳлик жамият ҳуқуқий маданиятининг негизини ташкил этади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017.
2. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Тошкент. 1997.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият.Т. 14. Тошкент, 2006.

### **II. Халқаро норматив ҳужжатлар:**

1. Конвенция о борьбе с торговлей людьми и с эксплуатацией проституции третьими лицами от 21 марта 1949 г.
2. Конвенция о правах ребенка (Нью-Йорк, 20 ноября 1993 г.)
3. Дополнительная Конвенция об упразднении рабство, работорговли и институтов и обычаев, сходных с рабством (Женева, 7 сентября 1956 г.)
4. Конвенция относительно рабства (Женева, 25 сентября 1926г., с изменениям внесенными протоколом от 7 декабря 1953 г.)
5. Соглашение между Правительством Российской Федерации Правительством Республики Узбекистан о сотрудничестве по борьбе с преступностью. (Ташкент, 27 июля 1995 г.)
6. Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющий конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности: 2000 г.
7. Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Парелма Конвенцияси 2000 й.
8. Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияни тўлдирувчи “Инсонлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги Протокол Нью-Йорк: 2000 йил 15 ноябр.
9. “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги Конвенция: 1930 йил.
10. “Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенция: 1963 йил 20 ноябрь.

### **III. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2014.-73 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси – Т.: Адолат. 2006.-335 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар-Т.: Адолат. 2006.-147-168 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси - Т.: Адолат. 2006-525 б.
5. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қарори 1997 йил 29 августда

қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси -1997. №9-227-модда б21-33.

6. Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1999 й. 14 апрелида қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- 1999. №5.- 112-модда.-Б.50-52.

#### **IV. Махсус адабиётлар:**

1. А.Вилкс. Траффик людей: правовые и социальное аспекты. Рига.2005 г.
2. Саидов А.Х, Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари: тарихий ҳуқуқий лавҳалар Т.: Ижтимоий фикр.1998
3. Словарь международного право-М.: Межд.отнош., 1986.-432
4. Маткаримова Г.А. Аввало инсон,-Т.: Ёзувчи, 1998.-96 б.
5. Маткаримова Г. А. Аёл ҳуқуқи. – Т. 2001. б.24.
6. Криминология. М., 1988, стр 363.
7. Маткаримова Г. Кто ты женщина. Т.:-Ёзувчи. 1999.-с 54
8. Тансиқбаева Г.М. Женщина: её права и свободы, проблемы, пути решения // Женщина. Право, Общество. Т.:Изд-й. дом Эльднур. 1998.-с.17.
9. Ортиқов А., Isoходжаев А., Шестаков А., Хуфёна иқтисодиёт: ўқув қўлланмаси/ Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002 й.
10. Sally W. Stoecker. The Rise in Human Trafficking and the Role of Organized Crime//Demokratizatsiya. Vol.8, No 1. Winter 2000.
11. Ш.Ҳамраева. Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари (ўқув қўлланма). Т.Ижод дунёси.2003. 54-б.
12. Ф.Бақоева. “Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари” Т. “Адолат” 2002.100-б.
13. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни тергов ва квалификация қилиш / Кабулов Р., Гулямов З. ва бошқалар- Т., ЎзР ИИВ Академияси: Тошкент ш. ИИББ, 2005. 5-б.

#### **V. Илмий мақолалар (газета, журналлар) ва анжуман материаллари:**

1. “Инсонлар траффигига қарши халқаро-ҳуқуқий кураш жиҳатлари” мавзuidaги илмий-амалий анжуман материаллари. Т.2006 й. 3-б.
2. “Труд” газетаси 2001й. 24 май сони.
3. The Nation", газетаси 2000 йил 21 октябрь.
4. Human Rights International Instruments. P. 8-9.

#### **IV. Электрон ресурслар**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.parliament.gov.uz>
4. <http://www.press-service.uz>
5. <http://www.minjust.uz>
6. <http://www.kun.uz>
7. <https://www.gazeta.uz>

## **Мундарижа:**

<b>Сўз боши.....</b>	<b>3</b>
<b>Одам савдосига қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари.....</b>	<b>5</b>
1. Одам савдоси тушунчаси ва шакллари.....	5
2. Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро- ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг ривожланиши .....	18
3. Одам савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	23
<b>Инсон савдосига қарши кураш масалалари.....</b>	<b>26</b>
1. Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ташкилотлар.....	26
2. Одам савдосига оид ҳужжатларни тадбиқ этиш бўйича давлатлар амалиёти .....	29
<b>Миграция жараёнларига таъсир этишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари.....</b>	<b>41</b>
<b>Ноқонуний миграцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари.....</b>	<b>42</b>
<b>Сўнгги сўз.....</b>	<b>48</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>51</b>